ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 4 март. Сешанба № 18 (5.791). Сотувда эркин нархда

ҚУТ-БАРАКА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

— дейди Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш НИЁЗОВ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жамоа хўжалиги раҳбарларининг зиммасидаги юксак вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Хўжалик раиси — қишлоқ жойларида жуда катта ва масъулиятли вазифа, — дедилар Президентимиз, — у шу қишлоқнинг отаси, элнинг яхши-ёмон кунларига жавоб берадиган шахс. Яъни бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган, умуман, қишлоқда яшаётган аҳолининг ҳаёт тарзи, уларнинг оладиган даромади кўп жиҳатдан мана шу раис, хўжалик раҳбарига боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам хўжалик ҳудудида раис жавоб бермайдиган иш, унинг бевосита фаолиятига алоқадор бўлмаган бирорта ҳам вазифа йўқ. Мен буни ўзимнинг кўп йиллик раислик фаолиятимда бошимдан кечириб келаяпман. Ҳозиргиси билан қўшиб ҳисоблаганда тўртинчи хўжаликка раҳбарлик қилишим.

Ҳамжиҳатлик бор жойда тараққиёт бўлади. Бунинг учун энг аввало, раҳбарнинг ўзи ташаббусни қўлига олиши, одамларни ўз ортидан эргаштира билиши лозим. Қишлоқ аҳолиси одатда табиатан оққўнгил кишилардир. Уларнинг қалбларига фақат эзгулик ва самимийлик билан йўл топиш мумкин. Ман-манни хуш кўрган такаббур раҳбарни элнинг ўзи чеккага суриб қўяди.

Утган йили 900 гектар ерда пахта, 455 гектар ерда галла етиштирдик. Тармоқлар бўйича режалар ортиғи билан адо этилди. Умуман, 1996 йилни барча соҳалар бўйича 35 миллион сўм даромад билан якунладик. Аҳолига 100 тонна буғдой, 30 тонна шоли, 30 тонна картошка ҳамда бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатиб берилди. Халқимизнинг бир еқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда иш юритиши туфайли хўжалигимиз иқтисодиёти кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Даромадга қараб буромад деганларидек, аҳоли эҳтиёжини қондириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда кун сайин ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиб бораяпмиз. Утган йиллар мобайнида хўжалигимиз ҳудудидаги қишлоқларни юз фоиз тоза ичимлик суви билан таъминладик. Ялпи газлаштириш 86 фоиздан ошди. Хўжаликда шоли ва ун тегирмонлари ишлаб турибди. 3 та сартарошхона, 2 та пойабзалларни таъмирлаш устахонаси ва 50 нафар қишлоқ аёллари ишлаётган тикув цехи фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг турмушини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан бир қаторда келажакда хўжаликдаги мавжуд ҳамма соҳаларни муносиб кадрлар билан таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Хўжалигимиздан 32 нафар йигит-қиз бугунги кунда турли олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олишмоқда. Улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб олганмиз. Тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Яқинда талабалар билан навбатдаги учрашувни ўтказдик. Уларга хўжаликдаги бўш ўринларни кўрсатиб, қунт билан билим олиб, малакали мутахассис бўлиб қайтишлари учун астойдил саъй-ҳаракат қилишлари лозимлигини яна бир бор таъкидладик. Йиғилиш сўнгида 32 нафар талабанинг ҳар бирига 1000 сўмдан пул тарқатдик. Бундан ташқари уларга уч юз сўмдан, аъло баҳолар билан ўқиётган талабаларга эса ҳар ойда 500 сўмдан хўжалик ҳисобидан нафақа бериб бораяпмиз.

Хўжалик раиси қишлоқда фақатгина қишлоқ хўжалик ишлари учунгина эмас, балки ҳукуматимиз қўяётган барча талабларни амалга оширишга тўла масъулдир. Унинг зиммасига маънавият ва маърифат масалалари, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва халқ таълими соҳасидаги ишларни ҳам доимий ҳал этиб бориш вазифаси юклангандир. Бизда бу соҳага ҳам эътибор берилянти. Хўжалигимиз ҳудудидаги барча мактаб ва шифокорлик пунктларини оталигимизга олганмиз. Биноларни таъмирлаб бориш, иситиш ва ёритиш, газ билан таъминлаш ишлари зиммамизда. Мактаб ўқувчилари хўжалик ҳисобидан текин оёқ кийими ва устбош билан таъминланмоқда. Четдан қишлоқларимиздаги мактаб ва шифокорлик пунктларига қатнаб ишлайдиган ўқитувчи ва шифокорларга йўлкира ҳақини хўжалик тўлайди. Бундан ташқари уларга ҳар ойда жамоамиз ҳисобидан тушлик пули тарқатилади. Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш қишлоқ йиғинлари фаоллари, маҳалла қўмиталарининг раислари билан ҳам тез-тез учрашиб, фикр алмашиб турамиз. Албатта, бундай амалий учрашувлар умумий ишларимизга катта наф келтиради. Фаоллар билан тўйларда, таъзияларда ҳамиша иштирок этамиз.

Президентимиз ташаббуслари билан инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган жорий йилда қишлоқларимизда яшаётган аҳоли учун яна бир талай қулайликларни яратишни режалаб турибмиз. Янги новвойхона, чойхона очиш ниятларимиз бор. Кичик корхоналар сонини кўпайтириб, аҳолининг бўш қисмини иш билан таъминлаш устида бош қотираяпмиз. Ҳали табиий газ етиб бормаган хонадонларга зангори олов олиб кириш борасида саъй-ҳаракат қилаяпмиз.

Шу кунларда жорий йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаяпмиз. 465 гектар майдонга экилган галламиз барқ уриб ривожланмоқда. Икки марта суғориб, ўтитлаб қўйдик. Галлакорларимиз мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилишмоқда. 898 гектар ерга чигит қадаймиз. Учта «Олтай», 18 та чопиқ тракторлари сеялкалари билан мавсумга тахт қилиб қўйилган. 60 гектар майдонда биринчи марта андижонликлар усули бўйича чигитни пленка остига қадашни режалаштирганмиз. Янги тажрибага мослаштирилган сеялка ва пленкаларни келтириб қўйдик. Етарли уруғлик жамғарилган. Шу кунларда ҳосилдорликни оширишда муҳим омил ҳособланган далага дармондори тўплаш давом этмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ўртага қўйилган долзарб масала

ИСЛОҲОТ — ИЗЧИЛ ВА ТЎХТОВСИЗ ЖАРАЁН

«Белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирда, ислоҳотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин».

(Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши ҳужжатларидан)

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

М. УМАРОВА,
паррандабоқар

«Кимки, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ».

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида алоҳида таъкидланган ана шу сўзларнинг қанчалик ҳаётий, ҳаққонийлигини бизнинг Самарқанд туманидаги «Парранда» ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Йиллар мобайнида бу хосиятли тармоқда эришилган натижалар кўнгилдагидек бўлмади. Истиқлол ва иқтисодий ислоҳотлар шарофати билан янгича шароитда ишлашга ўтилди. Акциядор корхонанинг ҳақиқий хўжайини бўлиши учун барча шарт-шароит яратилди. Технологик жараёнлар такомиллаштирилди. Эндиликда ҳиссадорлик жамиятимиз энг замонавий парандачилик жамоаларидан асло қолишмайди.

Мутасадди раҳбарлар, мутахассислар биринчи кунданоқ хорижий тадбиркорлар билан алоқани мустаҳкамлаш пайига тушишди. Бу илғор тажрибаларни қўллаш, соҳанинг энг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Узоқ-қа бормайлик, Қозоғистондан зотли жўжалар олиб келинди. Тажрибали мутахассислар, ишбилармонлар ёрдамида икки йилга етадиган миқдорда чиғаноқ жамғаришга муваффақ бўлинди. Жамоада интизом қатъий йўлга қўйилган. Ҳар бир тадбир сифатли амалга оширилади. Рационга амал қилиш қоидага айланган. Парранда жуда нозик жонивор. Белгиланган миқдорлаги хилма-хил озуқалар бўлмаса, паррандачилик сердаромад соҳага айланмайди. Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида расмиятчилик, тўрачилик кўринишларига қарши муросасиз курашиш лозимлиги алоҳида ўқилирилганлигини қизғин маъқуллаймиз. Худди шу каби иллат кўп жойларда ислоҳотлар йўлига ғов бўлмоқда. Катта жамоамизда соғлом, ўзаро талабчанлик муҳити юзага келтирилган. Раҳбарлар асосий эътиборни инсон омилига қаратишган. Одамзод ишидан, эришаётган натижалардан кўнгли тўлса, тирикчилиги яхши ўтса ўзини аямай меҳнат қилади. Яхши қайфият омилкорлик, ташаббускорликни юзага келтиради. Шу боис ўтган йили 36 миллион дона тухум, 371 тонна парҳез гўшт етиштирилди. Жорий йилда ҳам зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилаяпмиз. Эркин Рустамов, Роҳат Жабборова, Замира Боймуҳамедова каби фидойилар сўз ва шахсий ибратлари билан барчани олға ундашмоқда.

Кези келганда бир мулоҳаза: хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга жамики бошқарув бўғинлари оғишмай амал этиладиган қатъий муҳитни вужудга келтириш жуда муҳим. Ҳукуматимиз ислоҳотларнинг муҳим йўналишларини қўллаб-қувватлаш учун янги манбалар излаб топиб, имкониятларни кенгайтириб бораётганлиги одамлар кайфиятини кўтарди, уларнинг ғайрат-шижоатини жўш урдирди.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

А. МУСАЕВ,
пахтакор

Хўжалигимиз деҳқонлари республика Вазирлар Маҳкамасининг 26 февраль куни бўлиб ўтган йиғилиши ҳужжатларини зўр мэнфаатдорлик билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Бунда жорий йилда ҳал этилиши лозим булган энг муҳим устувор вазифалар аниқ-равшан баён этиб берилди. Иқтисодий тараққиётда олга силжиш, халқ хўжалиги таркибида ўзгаришларни амалга ошириш, шу йўл билан жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ислоҳотларнинг бош мақсади эканлиги алоҳида уқтирилди.

Хўжалигимизда янги-янги омиллар ишга солинмоқда. Мулк том маънода ўз эгасини топди. Шу боис ўтган йили барча соҳа бўйича белгиланган режалар зиёдаси билан адо этилди. Соф фойда 6 миллион 454 минг сўмни ташкил этди. Қувончлиси шуки, районни сифатли галла уруғи билан таъминлаш хўжалигимиз деҳқонларига ишониб топширилган. Галла майсалари кўзни қувнатиб, барқ уриб ўсяпти. Насиб этса, бу йил 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан бошоқли дон олиб, унинг 1100 тоннасини уругликка ўтказамиз.

Андижонликлар усулига эътибор ниҳоятда катта. 700 гектар майдоннинг 140 гектарига пленка остида чигит экилади. Тайёргарлик ишлари намунали олиб борилмоқда. Замин ўгитга, нурига туйинтирилди. Техникадан қийинчилик йўқ.

Чорвачилик ҳам яхши ривожланяпти. Бултур Чортоқ туманидаги Навоий номли хўжалигимиз бу тармоқдан 1 миллион 682 минг сўм даромад қилди. Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг қарорлари бизни янада унумлироқ, баракалироқ меҳнат қилишга чорлади.

Ҳа, республика Вазирлар Маҳкамасининг 26 февралдаги йиғилишида 1997 йилда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим, устувор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, кредитмолия тизими фаолияти мустаҳкамлигини таъминлаш, республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш, замон талабларига жавоб бера оладиган иқтидорли кадрлар тайёрлаш энг муҳим, долзарб вазифалар қилиб белгиланди. Мамлакатимиз агросаноат мажмуи ходимлари ислоҳотлар изчиллиги инсон манфаатлари омили эканлигини қалбдан ҳис этиб, зўр омилкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар.

М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.

ТАРАДДУД

Касбидаги «Пахтакор» жамоа-ширкат хўжалигида баҳорги дала ишлари — майдонларни чигит экишга тайёрлаш, пушта олиш, суғориш шохобчаларини таъмирлаш қизғин. Пушта олишда 20-25 нафар механизатор қатнашмоқда. Уларнинг кучи билан 1000 гектарга яқин ерга пушта олиб бўлинди.

Хўжаликда ўз касбини жон-дилдан севган деҳқонлар кўп. Улардан бири Азамат Шоназаровдир. У бошлиқ жамоа ўтган йил 18 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, ҳосилдорликни 37,2 центнерга етказишди. Бу йил эса ҳосилдорлик режаси 40 центнер. Воҳид Чўлиев бошлиқ ерни ардоқлаётган миришкорлар даласида ҳам ишлар авжида.

Ж. ЮСУПОВ.

Матбуот сўзининг таъсири

ХАТОЛАРНИ ЗУДЛИК БИЛАН ТУЗАТМОҚ МАРДНИНГ ИШИ

Сўнгги йилларда айрим вилоят, туманлар ва хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришнинг бирдан-бир асоси — озуқа заҳирасини мустаҳкамлашга етарли эътибор берилмади. Озуқа экинлари етиштиришга унумсиз ерлар ажратилди.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилояти хўжаликларида моллар зотини яхшилашда, чорва озуқаси базасини мустаҳкамлашда жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 2-сонида чоп этилган «Чорвачилик ўгай соҳами?» сарлавҳали танқидий мақолада соҳада йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост очиб ташланганди.

Куни кеча таҳририят ушбу танқидий мақолага Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Эшбоевдан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

Рузноманинг 1997 йил 7 январь 2-сонида босилган «Чорвачилик ўгай соҳами» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қўйидагиларни билдирамиз: Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 1997 йил 25 январда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида 1996 йил якуни ва газетада чоп этилган ушбу танқидий мақола атрофлича муҳокама қилинди.

Вилоятнинг Арнасой, Мирзачўл,Дўстлик, Зафаробод, Зарбдор ва Пахтакор туманлари 1996 йилнинг якуни бўйича ҳиссадорлик ва хусусий фермаларда қорамоллар бош сонини кескин камайтириб юборган, маҳсулот ишлаб чиқариш, чорва қишловини ўтказишдаги ишлари қониқарсиз деб топилди.

Арнасой,Мирзачўл,Дустлик, Зарбдор ва Пахтакор туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиқлари Э.Избосаров, С.Досқараев, С.Абдулаҳатов, Н. Раҳмонов ва М.Рустамовлар вазифасидан бўшатилдилар.

Зафаробод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Муносибовга Вазирлар Маҳкамасининг 137-сонли қарорини бажаришда сусткашлик қилгани ва ҳиссадорлик жамиятларида қорамоллар бош сонини кескин камайишига йўл қўйганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

Арнасой туманидаги «Олтин водий», «Фарғона», Зарбдор туманидаги И. Қурбонов номли, «Нурафшон», «Истиқбол», «Андижон», Зафаробод туманидаги Ф.Хўжаев номли, Беруний номли, Ғозибоев номли, Мирзачўл туманидаги «Тошкент», «Ўзбекистон», Пахтакор туманидаги Амир Темур номли, Дустлик туманидаги Дадажонов номли, «Дустлик», Зомин туманидаги «Оқар» хўжаликларидаги хусусий ва ҳиссадорлик фермаларида қорамоллар бош сонини 78-95 фоизга камайтириб юборганликлари учун ушбута мутасаддиларнинг материаллари тергов органларига ўтказилди.

1997 йил қорамоллар бош сонини 36.284 бошга, шу жумладан, сигирлар бош сонини 13.789 бошга етказишга, гўшт тайёрлашни 6964 тоннага, сут ишлаб чиқаришни 15.181 тоннага етказиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, вилоят бўйича озуқа экин майдонлари 16,6 минг гектарга қўпайтирилди. Шу жумладан, 316.099 тонна дағал хашак, 214.294 тонна ширали озуқа, 37.177 тонна яшил озуқа тайёрлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Юқорида қайд этилган сарлавҳали мақолада кўрсатилган бошқа камчиликларни бартараф этиш ва шу асосида иш олиб бориш тадбирлари белгиланди.

Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари С.ЭШБОЕВ.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 11-сонида чоп этилган «Зарари кимнинг ҳамёнидан ундирилади?» сарлавҳали танқидий мақолада Олтиариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фермаси бош зоотехниги Турдиали Валиевга хусусийлаштириб берилгани айтилган эди. Аммо орадан саккиз ой ўтгач, Т. Валиев фермани яна хўжаликка қайтариб топширади. Шу ўринда мақолада савол қўйилганди: Т. Валиев нега фермерликдан воз кечди? Бу саволга Олтиариқ туман ҳокими вазифасини бажарувчи О. Тошматов қуйидагича жавоб берди:

Фарғона вилояти Олтиариқ туман ҳокимлиги шуни маълум қиладики, рузномада чоп этилган «Зарари кимнинг ҳамёнидан ундирилади?» танқидий мақола «Ўзбекистон» жамоа бошқарувида мутахассислар иштирокида атрофлича урганиб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўла тасдиқланди ва чорвачиликни ривожлантиришда, маҳсулдорлигини оширишда белгиланган режа ва топшириқларни бажаришда ҳамда чорва наслини яхшилашда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жамоа хўжалиги бош зоотехниги Турдиали Валиев эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Чорвачиликка эътиборни сусайтиргани учун жамоа хўжалиги бошқаруви раиси уринбосари Р. Ҳамдамов огоҳлантиридди.

Фермага келтирилган зарарларини Т. Валиевдан ундирилиб олиш «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқарувига топширилди.

Ҳозирги кунда жамоа хўжалигида чорва қишловини беталофот ўтказиш, мавжуд ем-хашаклардан унумли фойдаланиб, чорва маҳсулотларини камайтирмаслик чоралари кўрилмоқда.

1997 йилда ем-хашак етиштириш майдонларини кўпайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида мутахассислар хўжаликка амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини кўрмоқдалар.

О. ТОШМАТОВ,
Олтиариқ туман ҳокими вазифасини бажарувчи.

Газетхон фикри

ТАДБИРКОР РАҲБАР КЕРАК

Шу кунларда «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасига республикамизнинг олис-яқин ерларидан қўплаб хат-хабарлар келиб турибди. Газетхонлар ўз хатларида жамоат хўжаликлари, саноат, қурилиш, маданий-маиший соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ёзмоқдалар. Шулар қатори газетада чоп этилган айрим мақолалар хусусида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Қуйида Поп туман қишлоқ хўжалик коллежи директорининг ўринбосари Мўйдин Маткаримовнинг рўзноманинг 11 февраль сонида чоп этилган «Янглишиш» ва «Ер — хазина» мақолаларига билдирган фикр-мулоҳазалари таҳрирсиз босилди.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 11 февраль сонида журналист Ортиқали Номозовнинг «Янглишиш» ёки хўжалик раҳбарлигига нолойиқ одамни қўйиш қандай оқибатларга олиб келгани хусусида берилган мақоласини қизиқиш билан ўқидик.

Муаллиф жуда муҳим, шу куннинг долзарб масаласини кўтариб чиққан. Дарҳақиқат, тадбиркорлар бизнинг фахр-ифтихоримиз, юрт ободлиги, фаровонлиги асосчилари, ахир. Шундай инсонлар кўп бизда. Яқинда Уйчи туманидаги А. Муминов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рустамжон Исматуллаевнинг хўжаликда олиб бораётган тадбиркорлик ишлари ҳам ушбу рузномада берилди.

«Тадбиркор раҳбар-олтин фондимиз» рубрикаси остида босилган «Ер-хазина» мақоласини ўқиб раҳбарга бўлган меҳримиз яна ошди.

Лекин О. Номозов қаламга олган мавзу эса бугунги кунда жуда муҳим. Унда раҳбарларни жойига қўйишдаги камчиликлар ва уларга билдирилган ишонч тўла оқлай олинмаётгани Ш. Мирсултонов номли жамоа хўжалиги мисолида рўй-рост очиб берилган. Президентимиз таъкидлаганларидек, жойлардаги раҳбарлар атрофига таниш-билишларини тўплаб, оддий ишчилар билан ишлаш бўлмай қолаётгани ачинарли ҳол. О. Номозов ана шундай қусурларга эътиборни қаратган. Бир хўжаликни ёки ташкилотни қарзга ботирган шахсни яна иккинчи масъулиятли ўринга ишга қўйилиши ёмон иллат, эски раҳбарлик усулидир.

«Янглишиш» мақоласидаги фикр-мулоҳазаларни тўла қўллаб қувватлайман. Бугунги кунда элга халқнинг қорнини тўйдирадиган, юрт дарди билан яшайдиган тадбиркор, ишбилармон раҳбарлар керак.

Мўйдин МАТКАРИМОВ.
Поп туман қишлоқ хўжалик коллежи директорининг ўринбосари.

ОЛҚИШ ОЛГАН ФЕРМЕР

Фарғона вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз Ислом Каримов Охунбобоев тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги «Акмал» чорвачилик фермери Мавруфжон Собировнинг ибратли ишлари ҳақида ғоят илиқ гаплар айтгани кўпчиликнинг эсида. Бундан руҳланган Мавруфжон 1997 — Инсон манфаатлари йилида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтириш ташаббуси билан чиқди. У бошлиқ жамоа ўтган йили 40 бош қорамолни яхши парваришлаб, кўрсаткичлар салмоғини оширган эди. Биргина сут тайёрлаш 37,7 тоннани ташкил этди. Лангар қишлоғи марказидаги фермернинг хусусий дўкони эса аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти. Ҳамқишлоқлари бу ердан ҳар куни арзон баҳода гўшт сотиб олишаяпти.

Ҳозир фермер хўжалигида 36 бош соғин сигир бор. Молбоқар Акмалжоннинг айтишича, шу кунларда говмишларнинг ҳар биридан 7—7,8 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинаяпти. Бу вилоят миқёсида юқори кўрсаткичдир.

Тадбиркор бу йил 8 гектар ерда буғдой, 7 гектар ерда эса беда парваришлашмоқда. Яшил ниҳоллар ривожи соз. Улар гектаридан 40 центнердан буғдой ва 300 центнердан беда пичани йиғиб олишга аҳд қилишган. Насиб этса, дон ҳам, озуқа ҳам мўл бўлади.

Фермер Мавруфжон Собиров тинмай изланмоқда, ўзининг тадбиркорлик қамровини ошираяпти. У сутни қайта ишлайдиган кичик корхона қуриш ниятида. Бу ишда фермер-тадбиркорга вилоятда фаолият кўрсатаётган Франциянинг Бахтиёр Лоро бошлиқ фермерлик гуруҳи кўмак беришга тайёр. Демак, ишчанлик ва ташкилотчилик устувор булган ҳар бир жойда меҳнат соҳибига омад кулиб боқаверади.

Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

1997 — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

КЕНЖА ТАРМОҚ ИСТИҚБОЛИ

- *Асаларичилик — катта хазина. У поклик, фидойиликни хушлайди*
- *Жаннати ўлкамизда яратилган асаллар жаҳон талабларидан юқори*
- *Тармоқ ривожига нималар ғов бўлмоқда?*
- *Қаллоб асалфурушларнинг танобини тортадиган валломат борми?*

Минг бир дардга даво асал ва асалари маҳсулотлари етиштириш қадимдан ота-боболаримизнинг анъанавий удумларидан бири бўлган. Аммо асаларичилик бизда ихтисослашган соҳа сифатида фақат 1975 йилдан кейингина шакллана бошлади. Шунинг учун ҳам асаларичиликни қишлоқ хўжалигининг энг кенжа тармоғи ҳам деб атаймиз.

1975 йил зарар билан фаолият кўрсатаётган жамоа ва давлат хўжаликлари базасида дастлаб 5 та ихтисослашган асаларичилик давлат хўжалиги ташкил этилди. Улар 13 минг асалари уяларига эга эди. 1980 йили хўжалик ҳисобидаги «Ўзасалсаноат» республика бирлашмаси ташкил этилди, унинг тизимида 22 та асаларичилик хўжаликлари бўлиб, уларда 48 минг асалари оилалари мавжуд эди.

1986 йил охирида «Ўзасалсаноат» Республика бирлашмаси тугатилди. Республикада агросаноат уюшмалари ташкил топганлиги сабабли ҳамма асаларичилик хўжаликлари улар ихтиёрига берилди. Лекин бу ерда асаларичилик бўйича мутахассислар йўқлиги сабабли асаларичилик йилдан-йилга орқага кетиб, асалари оилалари ва уларнинг маҳсулоти камая бошлади.

Асаларичилик хўжаликларининг таклифига биноан 1991 йилда «Ўзасаларичилик» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси қайта тузилиб, унинг тизимига 22 та асаларичилик хўжаликлари киритилди. Қолган асаларичилик хўжаликлари эса вилоят агросаноат уюшмалари ихтиёрида қолдирилди.

Илгари республика «Бақоллик» идоралари билан асаларичилик ўртасида узвий ҳамкорлик бўлган, яъни «Бақоллик» шакар етказиб берган, «Ўзасаларичилик» эса — асал, Тайёрланган асал республиканинг ички бозоридан ташқари, қўшгина хорижий мамлакатларга ҳам сотилган.

1993 йилда асаларичилик хўжаликлари учун талабдаги 2900 тонна ўрнига 1400 тонна, 1994 йилда эса 2800 тонна ўрнига 1386 тонна шакар етказиб берилди. 1995 йилда эса 2800 тонна талаб этилган ҳолда бир кило ҳам шакар берилмади. Шу ерда: «Асаларига шакар нима учун керак?» деган ўринли савол туғилади.

Зотан, асалари тўғри боқилса, яъни гулларга бой усимликлар маконига тез-тез кўчирилиб турилса, арилар яхши ишлайди ва мўл асал тўплайди. Тўпланган асалнинг бир қисми асалари учун озуқа сифатида қишлоғга қолдирилади. Қишда совуқда асал қотади, баҳорга келиб, уйғонган асаларилар ҳали гуллар очилгунга қадар озиқланиши ва куч йиғиши керак, лекин қотиб қолган қутидаги асалдан улар яхши озиқлана олмайди. Демак, асалариларга юмшоқ шира, яъни шакар қиеми куч йиғиши учун озуқа сифатида берилади.

1996 йилга келиб асаларичилик хўжаликларидан 25 тасига 45 миллион сўм имтиёзли кредит берилди ва ана шу кредитта Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан 1500 тонна шакар Республика «Бақоллик» идоралари орқали асаларичилик хўжаликларига тарқатилди. Натижада 1996 йил асаларичилик соҳасида олтин жилжиш йили бўлди. 1995 йилда бир кило ҳам асал сотилмаган бўлса, 1996 йилда қарийб 1000 тонна асал тайёрланди, ҳукумат пул-кредит комиссияси томонидан ажратилган кредит муддатидан аввал тўлатўкис тўланди.

Узбекистонда етиштирилган асал сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига мос эканлигини Англия, Япония, Россия мамлакатларидан келган харидорлар, ўз юртларига олиб кетиб текшириб юқори баҳо бердилар. Аммо бошқа қўпгина мамлакатларнинг асалига қараганда таннарх баланддлиги сабабли у қимматроқ бўлмоқда. Таннархнинг баланддлиги эса энг аввало, меҳнатни тўғри ташкил этаолмаганимиздандир, яъни ортиқча харажатлар кўп ва энг асосийси, шакар бизда ишлаб чиқилмайди. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида шакар заводлари бор. Бизда ҳам яқин вақтда қурилаётган шакар заводлари ишга туширилса, асаларилариимиз учун арзон шакар олишга муяссар бўлинади ва асал етиштириш ҳам ўз навбатида арзонлашади.

Турфа гулларга бой бўлган мамлакатимизда асал ишлаб чиқариш учун жуда катта имконият ва манбалар мавжуддир. Экин турларига, навларига, уларнинг гуллаш даврларига (мавсумийлиги) қараб асаларилар бир гектар майдондаги гулзордан 40-100 ва ҳатто 300 килограммгача асал йиғиши мумкин. Пахта майдони катта гектарларни ташкил этади. Бундан ташқари ўрмонзор, мевазорлар, тоғ, чўл, саҳро экинзорларидаги гулларни ҳисобга оладиган бўлсак, асалари боқса бўладиган яна 1,5 миллион жами 3 миллион гектар майдондан асал йиғиш имкони бор.

Юқорида айтганимиздек, ҳар гектардан камида 40 килограммдан асал олинган тақдирда ҳам мамлакат бўйича 120 минг тонна асал етиштириш мумкин. Ҳолбуки, энг кўп маҳсулот олинган 1991 йилда республика бўйича жамоа хўжаликлари, ҳаваскор ва шахсий асаларичиларнинг барчаси етиштирган асал 17600 тоннадан ошмаган эди.

Бизнинг шароитимизда ҳар қути асаларидан 80-100 килограммдан асал оладиган тажрибали асаларичилар бор. Масалан, Самарқанддаги Рудакий номли асаларичилик жамоа хўжалиги ҳар қутидан 101 килограммдан асал етиштирган эди.

Асаларичиликни ривожлантиришга нима тўсқинлик қилмоқда?

Биринчидан, мамлакатда асаларичилик тўғрисида ягона қонун ишлаб чиқилмаган. Хорижий мамлакатларнинг аксариятида асалариларнинг юриши (кўчириш) учун ҳеч қандай тўсиқ ва божхона солиқлари ҳам йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 апредлаги 11/48-110 сонли топшириғига асосан асаларилар ҳатто Марказий Осиё давлатлари ўртасида тўсиқсиз кўчирилиши лозим эди. Аммо жойлардаги айрим хўжалик раҳбарлари пахтазорга асалариларни киритишга қаршилик кўрсатмоқда лар. Улар асалари билан чанглатилган гўза майдонларида ҳосилдорлик гектарига 33 фоизга ошишини, ҳар гектар гўза майдонидан 50-60 килограммдан асал олинишини яхши билганларида эди, чет мамлакатлардаги каби асаларичининг ортидан ўша раҳбарларнинг ўзи ялиниб, эргашган бўлур эдилар.

Яқинда Исроил мамлакатидан Халқаро алоқа маркази «Машав»дан асаларичиликни ривожлантириш ва ўсимликларни чанглантиришга бағишланган, май ойида бўладиган ўқув-тажриба анжуманига 10 нафар асаларичи мутахассислар таклиф қилинади, деган мазмунда хабарнома олинди. Бошқача айтганда, асаларичилик Исроил ва бошқа қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда доимо диққатмарказида бўлиб, сифатли ва мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири саналади. Шу боис бизда ҳам асаларичини экин майдонидан қувиб юборган кишига тегишли жазо чоралари кўзда тутилиши лозим эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Асаларичиликни ривожлантиришда, албатта, энг аввало асаларичининг ўзи фидойи ва ҳалол бўлиши лозим. Нима учун фидойи дейлмиз? Мамлакатимизда эрта баҳордан то кузгача экинлар гуллайди. Масалан боғлар, дарахтлар, ўрмонзорлар, табиий ўт-ўланлар эрта баҳорда, пахта, беда, қунғабоқар каби экинлар ёз давомида гуллайди, ана шу гуллашнинг даврига қараб асаларилариии тинимсиз кўчириб юришлари лозим.

Иккинчидан, ҳалол бўлишлари лозим, дедик. Барча асаларичилик жамоа хўжаликлари асаларичиларга шартнома асосида асаларилариии ижарага беришган. Ижарачи асаларини боқади, кўпайтиради, маҳсулотнинг маълум қисмини шартнома асосида хўжаликнинг ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун топшириши лозим. Лекин аксарият ижарачилар асалари яхши ишламади, асал бўлмади, деб ёлғон гапиришади, натижада ҳалол, покиза асаларининг меҳнати самарасини ўзига ўтирлаб, ҳақиқат юзига парда тортади. Қарабсизки, асал бўлмаяпти деб ҳамма жойга жар солинади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида етиштирилган маҳсулот дурустроқ реклама қилинса, унинг сифати яхши бўлса, харидори кўпаяди. Биз етиштирган асаллар-чи? Биздаги табиий асал жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Чет мамлакатларга сотиладиган асал махсус лабаратория кўригидан ўтказилиб, кейин сотилмоқда.

Аммо ички бозорларда сотиладиган асал қандай сотилмоқда? Аллоҳнинг яратган покиза жонзоти-асалари етиштирган асални ҳаром-хариш сотадиганлар ҳам бор. Ахир, бу неъмат инсон танасига бебаҳо дори-ку! Афсуски, бизда нафс балосига йўлиқиб, бу олий неъматга шакар қиёмини аралаштириб сотадиган виждонсиз қимсалар оз эмас.

Масалан, Жиззах вилоятнинг Ғаллаорол тумани ҳудудида Бахмал деган жойдан катта автомобил йўли утади. Шу йўлнинг икки четига турна қатор туриб олишиб олма, асал сотишади. Хайриятки, олма таркибига бирон нарса қўшиш қийин, аммо асалга-чи? Ҳайратдан ёқа ушлайсан! Асалари ўз асалига 30-40-50 фоизгача шакар қўшадими? Йўқ! Сотувчилардан сурасангиз: мен асаларичиман, мана менинг асалим таркибида шакар 30-40-50 фоизгача бор, хоҳласангиз олинг, йўқса йўлингиздан қолманг, деб кўзингизга тик қараб тураверади. Бирортасида ҳужжат йўқ. Шакарни қиём қилиб «асал» деб сотишларини ўзлари ҳам тан олишади.

Айни, мана шундай ҳолатларга барҳам бериш учун ҳам, менимча, асаларичилик билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатмахсус Қонун ва Низом ниҳоятда зарурдир. Зеро, сохта асаларичилар ин қуриб олган ўша Ғаллаорол ҳудудидаги Бахмал йўлига ухшаш жойлардан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан йўловчилар, савдо карвонлари утади. Кўз олдингизга бир келтиринг, бизнинг «асал»га улар қандай баҳо бериб кетишмоқда? Қаллоблар асл асалимизнинг обрўсини тўкишларига қачонгача ҳотиржамлик билан қарайміз?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 419-сонли қарори ва Узбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1996 йил 4 декабрдаги 1-сонли буйруғи асосида «Ўзасаларичилик» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида «Асал» уюшмаси ташкил этилди. 1996 декабрда ушбу уюшманинг таъсис йиғилиши бўлиб, унга барча вилоятлардаги 48 та асаларичилик жамоа хўжаликлари аъзо бўлиб кирдилар. Йиғилишда мамлакат асаларичилигининг тақдири муҳокама қилинди ва бу соҳани мукаммал ривожлантириш учун чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги вақтда «Асал» уюшмаси қошида мум парда ишлаб чиқарадиган цех узлуксиз фаолият кўрсатмоқда. Ў нафақат уюшма тизимидаги хўжаликларни, балки барча асаларичиларни мумпарда билан таъминлаш имкониятига эгадир.

Асалари мумиеси (прополис) табобатда қўллаб касалликлар учун шифобахш дори сифатида қўлланилади. Ҳозир уюшма қошида асалари мумиесини тозалаб қадоқлайдиган цех ишга туширилди, бундан ташқари асални қадоқлайдиган, шунингдек тикувчилик цехлари ҳам мавжуд.

Асаларичиликни ривожлантиришнинг энг асосий йўлларидан бири унинг зотини яхшилашдир. Кейинги пайтда бу соҳага эътибор берилмаганидан она арилар зотини яхшилаш, бошқа мамлакатлардан зотдор она арилар келтириш ҳисобига уларнинг ишчанлигини ошириш каби энг долзарб юмушлар тўхтаб қолган эди.

Шунинг учун ҳам уюшма қошида айнан зотдор арларни кўпайтириш билан шуғулланадиган наслчилик хўжалиги тузиш режалаштирилди ва бу хўжаликни керакли жиҳоз, ускуна ва маблағ билан таъминлаш имконияти яратилди.

Республикамизда асаларичикни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти қошидаги асаларичилик булими тугатилиб, олимлар ҳар жойга тарқалиб кетаётганлиги гоят таажжубланарлидир. Ахир, ҳар қандай соҳа каби асаларичилик ҳам илмий асосларсиз қандай юксалиши мумкин? Шунинг учун ҳам уюшма қошида шартнома асосида фаолият кўрсатадиган илмий марказ очиш ниятидамиз. Бу марказ бутун жаҳон асаларичилари билан ҳамкорлик қилиб, мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантиришни илмий асосга қўйишга имкон беради, деб ўйлайман.

Лекин асаларичиликни ривожлантиришга қўпчилик қизиқиб, шахсий хўжаликлар, жамоа хўжаликлари, барчаю барча бу соҳага фидойи бўлсаларгина, яқин йилларда арзон, мўл асал билан аҳолини таъминлашимиз, кўп миқдорда асални четга сотиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишимиз мумкин.

Бу борада қандай имкониятлар пинҳон эканлигини кўпчилик ҳозирча тасаввур қилишга ожиздир. Мен ўзим ҳам бир йил илгари ушбу соҳа билан жиддий шуғулланишга киришиндан олдин, унинг имкониятлари, аҳволи, муаммоларидан деярли бехабар эдим. Энди билсам, асаларичилик улкан бир хазина бўлиб, гофиллигимиз, эътиборсизлигимиз боис ҳали унинг калитини қўлга кирита олганимиз йўқ. Лекин республикамиз раҳбарияти, биринчи навбатда муҳтарам Президентимиз қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, кенг истиқбол йўлига олиб чиқиш юзасидан қўраётган улкан чора-тадбирлар келажакка чўқур ишонч билан қарашга имкон беради.

Энг муҳими, истиқбол дастуримизда асаларичиликка ҳам муносиб урин ажрата билсак, бас.

Т.САЙФУТДИНОВ.
Республика «Асал» уюшмаси раиси.

НАВРЎЗ ҲАШАРИ

● БУХОРОдаги «Зардўз», «Нигора» ҳиссадорлик жамиятлари, Бухоро туманидаги ипакчилик жамоа хўжалиги, «Амубухороканалқурилиш» бошқармасининг Жондордаги 4-қўчма механизациялашган жамланмаси меҳнат жамоалари Наврўз байрамига бағишланган ҳашар ўтказиш ташаббусини бошлади. Бу ташаббус бутун вилоятда қўллаб-қувватланди. 1997 йил 15 март умумхалқ ҳашари куни деб эълон қилинди.

Бухоронинг 2500 йиллигига тайёргарлик дастурига мувофиқ ўтказиладиган бу ҳашарда шаҳар ва туманларда, аҳоли турар-жойларда кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар эса юқори унум билан меҳнат қилади. Ишлаб топилган маблағ «Наврўз» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳисобига ўтказилади, кўп болали ва эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш учун сарфланади.

● АНДИЖОН вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида тозалик ва ободончилик икки ойлиги ўтказилмоқда. Шаҳрихонликлар икки ойлик доирасидаги, шунингдек ҳашар кунидаги ишларнинг аниқ режаларини туздилар, иш ҳажмини белгилаб қўйдилар: шаҳарни, айниқса маҳалла гузарларини обод қилиш, боғлар ва киёбонларга дарахт кўчатлари ўтказиш, ариқларни тозалаш, янги савдо расталари қуриш, эскиларини янгилаш юзасидан катта дастурни бажариш мўлжлланмоқда. Бу кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга маблағнинг бир қисмини тадбиркорлар, меҳнат жамоалари ажратади.

Ҳашар куни ишлаб топилган маблағ шаҳарни янада обод ва кўкламзор қилишга, муҳтожларга моддий ёрдам беришга сарфланади.

Андижон вилояти республикамиз пахтачилигида ҳеч бир муболағасиз тажриба майдонига айланди дейиш мумкин. Чигитни плёнка остига экиш бу ерда муваффақиятли синовдан ўтди. Айни пайтда мазкур усул бутун мамлакатимиз хўжаликларига ёйилмоқда. Бўз туманидаги Маннон Жалолов номли ширкатлар уюшмасининг тажрибали механиги Ашурали Ҳамдамов яратган ихтироларни ҳам мутахассислар ўзини тўла оқлашига ишонч билдиришмоқда. Ўз касбининг устаси яқинда пуштага бир хил чуқурликда минерал ўғитлар солиб кетадиган мослама ва пайкалларга ўқариқ оладиган механизм яратди. Ихтироларнинг иқтисодий самараси катта бўлади. Айни пайтда улар синовдан муваффақиятли ўтмоқда.

СУРАТДА: мосламалар ихтирочиси Ашурали Ҳамдамов, ширкатлар уюшмаси раҳбари Абдуфаттоҳ Солиев ва ширкат агрономи Козимжон Валиевлар пуштага ўғит соладиган мосламани синаб кўришяпти.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

ЖАНЖАЛЛИ БОҒЛАР

Месит қишлоғида асл соҳибкорлар, пиру бадавлат отахонлар жуда кўп. Уларнинг бой тажрибалари, ўгитлари иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда асқотмоқда. Ҳусан бобо Хушназаров ҳақида ҳам одамлар яйраб гапиришади. Етти улчаб бир кесишга ўрганган, ҳамиша қадрдон қишлоқ манфаатини ўйловчи бу табаррук инсон 77 ёшга кирган бўлса-да, унча-мунча азамат деҳқонга бўш келмайди. Ташкилотчилик кўрсатиб хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда.

Ҳусан бобонинг яна бир яхши фазилати ҳамиша ҳақ йўлига, кўп ишга қайишади. Лоқайд, фақат ўз манфаатини ўйловчи кимсалар билан муроса қилмайди. Шийпонда бўлиб ўтган ўша суҳбатни яхши эслашади.

...Февралнинг ўрталари. Бир гуруҳ деҳқонлар ўз режалари ҳусусида фикрлашиб ўтиришарди. Даврага қўшилган Ҳусан бобонинг қайфияти йўқ эди. Сабабини сўрашганида у бир сония ўйга толгач, таъсирчан оҳангда сўз бошлади:

— Шўро тузумида суяги қотган баъзи кимсалар ҳамон эскича иш юритишаяпти.

Ота йиғилганларга бир-бир қараб, сўзида давом этди:

— Асосий эътибор пахтачиликка қаратилмоқда. Тўғри, ғалла мустақиллигига эришиш борасида ҳам илдам қадам ташланди. Бунинг учун меҳрибон Президентимизга қўлқ. Хўш, нега баъзи етакчилар ёғин-сочин кунларда ҳам деҳқонни пахта теришга ундашади. Жавоби тайин, улар пахта етиштириш режаси бажарилмаса, ишдан кетишим мумкин, дея чўчишади. Энг ёмони шуки, тўртинчи, бешинчи сортга қабул қилинган пахта зиёндан бошқа нарса эмас. Мутасаддилар буни яхши билишса-да, ўжарлик қилишади. Ахир бозор шароитида сўмни сўмга ўриштиришни, тежамкор, омилкор бўлишни ўрганишимиз даркор. Айтсам гап кўп. Бир вақтлар кўпчилик кучи билан бунёд этилган қишлоғимиздаги 17 гектарлик боғнинг ҳам мазаси кетаяпти. Қаровсизлиқдан дарахтлар қуриётганлигини кўра-била туриб, нега ташвишга тушмаймиз. Бу аҳволда икки йилда бу ажойиб маскан тамоман хароб бўлади-ку?

Айниқса бригада бошлиқлари Ҳусан бобо гапларини маъқуллашди. Боғни оталиққа олишни ундан илтимос қилишди. Нуроний бир ишга жазм қилдими, албатта охирига етказади. Уша куни фарзандларни кенгашга чорлади. Қаровсиз қолган боғни ижарага олиш ниятида эканлигини маълум қилди.

— Отажон, — дея таъкидлади тўнғич фарзанд. — Йиллар мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътиборга сазовор бўлдингиз, қанчадан-қанча шогирдларингиз энг масъулиятли участкаларда фаолият юритишаяпти. Бизнинг давримизда фароғатда, иззат-ҳурматда яшайверинг, — деб қолди.

Бироқ бобонинг аҳди қатъий экан. Ўша куни Касби туманидаги «Москва» хўжалиги раиси Ж. Тоштемировга учрашди. Раис бош иқтисодчи Файзулла Норов ва бошқа мутахассисларни ҳам маслаҳатга чақирди. Барчалари нуроний ташаббусини маъқулладилар. Шундай қилиб, 17 гектарлик боғ Хушназаровлар оиласига ижарага берилди.

Барчалари белни маҳкам боғлаб ишга киришдилар. Қуриган дарахт ва тоқлар кўчириб ташланди. Ҳусан бобо ҳатто вилоятма-вилоят юриб сара кўчатлар келтирди. Тадбирларни амалга оширишда ўзи бош-қош бўлди. Қишлоқдаги уста соҳибкорлар, мутахассислардан вақти келса маслаҳат сўради. Боғ қатор ораларига ҳайдов ўтказилиб, жўяклар олинди. Олма қурти, ток занги ва бошқа зараркунандаларга қарши қатъий курашилди. Баҳорда тоқларнинг пушталари майин юмшатилди. Айниқса ҳашар йўли билан нури ташиб келтирилганлиги ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлди. Дастлабки йили боғ ва токзорлардан 20 тонна неъмат йиғиштириб олинди. Утган йили эса бу кўрсаткич 30 тоннани ташкил этди. Эл дастурхонига тортиқ этилган узум, олма, урик, шафтоли, қаролининг сифати барчага манзур бўлди.

Мана, яна деҳқон баҳори келди. Ҳусан бобо оила аъзолари, шогирдлари билан боғ ва токзорларда ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Нуриддин, Анвар, Пўлат, Завқиддин, Файзулла, Ботир сингари оға-инилар, Ориф Эшқувватов, Уктам Раҳматов, Анвар Эргашев, Шерали Дўстов сингари шогирдлар ҳам ёрдамга келишган.

Бултур ижарачилар 300 минг сўм даромад қилишди. Нуронийнинг таъкидлашича, улар боғни уч гектарга кенгайтириб жами 20 гектарга етказиш орзусида сидқидил тер тўкишаётир. Узимча фикр қиламан, файзини йўқотаётган боғ ва токзорлар бир ажойиб инсон саъй-ҳаракати билан қайта гуллаб-яшнади. Қишлоқда Хушназаровлар оиласига ҳамма ҳавас билан қарайди. Ҳусан бобо умрдоши билан 9 ўғил, 4 қизни тарбиялаб вояга етказишди. Етти келин, 40 та яқин невара-чеваралари бор. Фарзандлар оталари каби меҳнатсевар, одамохун бўлиб камол топишди. Ҳадемай боғлардаги мевали дарахтлар қийғос гуллаб қишлоққа файз бағишлайди. Каттаю-кичик унинг бош соҳиби Ҳусан бобо Хушназаровни эъзозлаб, ҳимматингизга балли, отахон, қадамингизда ҳамиша гуллар унсин, дейишади.

Ю. ЖЎРАЕВ.

МАСЛАҲАТ, ЙЎЛЛАНМА КЕРАКМИ?

Туман меҳнат биржаси эшиги эрталабдан одамлар билан гавжум бўлади. Улар орасида турли ёшдаги кишиларни учратиш мумкин. Биржа идорасидан чиқиб кетаётган ҳар бир киши юзида мамнунлик аломатини пайқаш қийин эмас.

Дарвоқе, биржамиз ишсизларни ишга жойлаштириш юзасидан бор имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Утган йили бизга 973 нафар фуқаро мурожаат қилди. Шундан 511 киши ишга жойлаштирилди. 376 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилди. 255 нафар фуқарога эса ишсизлик нафақалари тарқатилди. 92 ёш-ялангдар касбга ўргатилиб, қайта тайёрликдан ўтишди. Бунинг учун 372 минг сўм маблағ сарфланди.

Кейинги пайтда 20 та кичик корхона ва цехлар очилди. Натижада 1363 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Бундан ташқари 131 нафар киши «Қобул — Тўйтепа — Текстил» қўшма корхонасига ишга юборилди. Қишлоқларимизда яратувчилик, тадбиркорлик ишлари изчил йўлга қўйилаётир. Мисол тариқасида «Бахт ЛТД» кичик корхонасида 130 та янги иш жойи яратилди. Меҳнат биржаси аҳолини иш билан таъминлашга интилаётган тадбиркорларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Уларга имтиёзли қарзлар берилмоқда. Жумладан, «Тикувчи» кичик корхонаси шундай имтиёздан фойдаланиб, 40 та янги иш ўрнини очди.

Бироқ ҳамма иш ҳамиздан қил суғургандек кечмоқда деб бўлмайди. Ҳар бир хўжалик, корхона, ташкилот, бизнинг ҳисобимизга даромаднинг 2 фоизи миқдорида маблағ ўтказишлари қонунда кўзда тутилган. Лекин бу тўла бажарилаяпти дея олмаймиз. Чунончи, «Гулистон» корпорацияси, Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги, «Узбекистон» ва Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари, Усмон Юсупов номли бўрдоқичилик хусусий жамоа хўжалиги, «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти, Жумабозор каноpuни қайта ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, «Анвар» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа айрим корхона ҳамда хўжаликлар ўз бадалларини вақтида тўлашмаяпти. Бу эса, табиийки, янги ишларини очиш, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ишларини жадаллаштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қийинчиликларга қарамасдан корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳамкорликни давом эттирмоқдамиз. Уларда мавжуд бўш ўринларни ҳисобга олиб ярмаркалар ташкил этишни режалаштирганмиз. Аҳоли кенг қатламларини бўш иш ўринлари билан таништиришга қаратилган бундай ярмаркаларда туман ижтимоий таъминот бўлими, паспорт столи ходимлари, корхона раҳбарлари иштирок этишади. Ишга жойлашишни хоҳловчилар эса зарур маслаҳатлар, йўл-йўриқ олишади. Узига мос иш топганларга эса шу жойнинг ўзида йўлланма берилади.

Ўйлаймизки, меҳнат биржаси ва корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар яқиндан ҳамкорликни давом эттиришса, барча муаммолар ечимини топаверади.

Абдумалик ЎТЕГЕНОВ,
Юқори Чирчиқ туман меҳнат биржаси раҳбари.

ПИЛЛА МУАММОСИНИ КИМ ҲАЛ ҚИЛАДИ?



Наманган вилоятида пиллачилик бригадаларини ташкил қилиш ниҳоясига етмоқда. Инкубаторийларни таъмирлаш ҳам охирлаб қолди. Бунга вилоят хўжаликлари ҳамда вилоят пиллачилик бошқармаси, шунингдек «Хонатлас» акционерлик компаниясининг ўз вақтида узаро шартнома тузгани туфайли эришилди. Бироқ ҳали муаммолар етиб ортарлик даражада. Хусусан, бу контрактация тизимида энг муҳим бўғин—дастлабки маҳсулотни қайта ишловчилар йўқ.

Бу йил ҳам ўтган йилдаги сингари 2 минг тонна пилда тайёрланиши керак. Маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар бу миқдордаги харид ишини бажара оладими? Қайси сабабга биноан улар маҳсулот сотиб олиш бўйича биронта ҳам шартнома тузгани йўқ.

Вилоят пиллачилик бошқармаси бошлиғи Турғунпўлат Ҳамрабоевнинг фикрича, бунинг сабаби мазкур корхоналарнинг оғир молиявий аҳволда эканидадир. Улар ўтган йилги пилла ҳосили учун ҳисоб-китобни ҳам жуда кечикиб амалга оширган. Бу йилги мавсумда ҳам, гарчи баҳор нафаси уфуриб қолган бўлса-да, шартнома тузишга шошилишмаяпти. Вилоятда эса пилла ягона маҳсулот тури бўлган корхоналар талайгина. Бошқарма ҳам, ўз навбатида пилла етиштирувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмади. Қонун бўйича пилла пиллахоналарга етказиб берилганидан кейин беш кун мобайнида ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган ҳолда пул йил охирдагина ўтказилди, холос. Бу ишларни шундай қисқа муддат ичида бажариш жуда ҳам қийин, деб давом этади Т. Ҳамрабоев.

Бироқ биз бажарилиши қийинлиги аниқ бўлган бу шартларга кунишга мажбурмиз. Чунки улардаги мазкур модда республиканинг юқори идоралари томонидан тасдиқланган бўлиб, бизнинг уни ўзгартиришга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун шартнома тузган шерикларимизни бу модда бажарилмаслиги ҳақида огоҳлантириб қўямиз.

Тўғри, пиллачилар билан уларнинг маҳсулоти учун ҳисоб-китоб қилиш имкони бор. У бош пиллахоналардан самарали фойдаланишдадир. Вилоятдаги 22 та мана шундай корхона йилида атиги икки ой мобайнида тўла қувват билан ишлайди. Бошқа пайтда ходимларнинг ярмидан кўпи ўзига иш ахтариш билан банд бўлади. Ваҳоланки, бу иншоотлар пиллани қуритишгина эмас, уни қайта ишлаш ҳам мумкин бўлган ишлаб чиқариш майдонлари ва мухандислик-техник комуникацияларига эга. Бу ҳолда ҳисоб-китобларга қараганда, беш минтга яқин киши муҳим иш билан таъминланади. Ипакнинг таннархи сезиларли даражада камаяди ҳамда маҳсулот баҳосига таъсир кўрсатади.

... Назаримизда, бундан барча, биринчи галда пиллачилар фойда кўради. Улар пухта тайёргарлик кўраётган янги мавсум яхши натижалар беришига умид қиламиз.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

Чигитни плёнка остига экиш афзаллиги

АНДИЖОН УСУЛИ ЗАРАФШОНГА ЁЙИЛМОҚДА

Хушхабарнинг қаноти бор, дейди халқимиз. Чигитни плёнка остига экишнинг «Андижон усули» республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёза бошлади, қамрови кенгаймоқда. Зарафшоннинг заркокилли водийсига ҳам бу усулнинг қутлуғ ва шарофатли қадами етиб келди. Аслида ўтган — 1996 йили Самарқанд вилоятининг бир неча, чунончи, Оқдарё, Пахтачи ва Каттақўрғон туманларида бу усул муваффақиятли синовдан ўтган эди. Вилоят бўйича тажриба тариқасида 26 гектар майдонга истиқболли шу усулда чигит қадалиб, қутилганидан ҳам зиёд натижага эришилди. Мисол учун Оқдарё туманининг «Янгиобод» жамоа хўжалигида 6 гектар, «Гулистон» жамоа хўжалигида эса 9 гектар, шундай қилиб, туманда жами 15 гектар майдонга чигит плёнка остига экилди. Шунингдек Пахтачи туманидаги Шамси Назаров номли, Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номли жамоа хўжаликларида ҳам «Андижон усули»нинг афзалликлари тўла намоён бўлди. Эндиликда барчага аёнки, чигитни плёнка остига экиб, мўл ҳосил етиштириш имкониятлари катта. Одатдаги усулдан кўра «Андижон усули»да ҳосилдорлик кескин ошади, ерга барака уруғи қадашдан тортиб то ҳосилни тез ва соз саранжомлаб олишгача бўлган жараён қувончли самара беради. Самарқандлик пахтакорлар ҳам янгича бу усулда пахта етиштиришга, шу йўл билан кейинги йиллардаги қолоқлик доғини ювишга азму қарор қилдилар.

Бу йил вилоят бўйича давлат буюртмасига кўра жами 20 минг гектар майдонга чигитни плёнка остига экиш режалаштирилган. Айни вақтда туманлардаги пахтачилик хўжаликларидан қўплаб таклифлар тушмоқда. Ана шу таклифларга кўра вилоят миқёсида жорий йилда 24 минг 500 гектар майдонга «Андижон усули»да плёнка остига чигит экиш тақозо этилмоқда. Ана шу рақамнинг ўзиёқ янги усулнинг истиқболидан дарак бериб турибди.

Хўш, ана шу эзгу ният йўлида вилоят миқёсида қандай тадбирлар ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда? Биз ана шу саволлар билан айрим раҳбар, мутахассис ва деҳқончилик вакилларига мурожаат қилдик.

Қуйида уларнинг айримларига сўз берамиз.

Абдусалом УСМОНОВ, вилоят ҳокимлиги қошидаги янги технологияларни жорий қилиш Маркази директори:

— Истаган жойингга кетмон ур, хазина топасан. Лекин сенда деҳқон ишончи бўлсин. Китобда ўқиганим — ушбу ҳикматга мойил гапни тез-тез қунглимдан ўтказиб тураман. Дарвоқе, деҳқон ишончида гап кўп, ҳикмат кўп. Унда ишонч устувор бўлса, ҳатто кафтдеккина еридан ботмонлаб ҳосил йиғиб олишни кузлайди. Йилнинг тўрт фасли ҳам, таъбир жоиз бўлса, маржон-маржон тер тўкади ва меҳнатининг самарасидан кўнгли хотиржам яшайди.

Шу йил 27 январь куни республикамиз Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг борини, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифаларга бағишланганлиги улуғ иш бўлди. Деҳқонлар, умуман республикамиз халқи бу анжуманни улуғ ва умидбахш ниятлар сари ойлин йўл сифатида тан олди. Туғриси, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш бирламчи вазифадир. Муҳтарам юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, «... қишлоқ хўжалигида ўтказаётган ислоҳотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиқтисодиётда ўзгаришга эришиб бўлмайди. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом-ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқ жойларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади...»

Мен асли Фарғона водийсининг, янаям аниқроқ айтадиган бўлсам — Андижон фарзандиман. Барчага қундай равшанки, бутун бир водийда аҳоли зич яшайди. Шу боис ҳам ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ер — хазина, хазинанинг калити эса замин соҳиби қўлида. Чигитни плёнка остига экишнинг «Андижон усули» ҳам чет мамлакат— Хитойдан бизнинг Андижонга кириб келганига ҳам, мана, уч йилдан ошди. Бу усул эндиликда республикамизга кенг ейилди. «Самарқанд сайқали рўйи замин аст...» деб дунёвий таърифга монанд Самарқанд вилоятига ҳам «Андижон усули»нинг шарофатли қадами етди.

Бинобарин, бу усулнинг хосияти ва ҳар томонлама афзалликлари ҳақида хўп гапириш жоиз, кўп гапириш шарт эмас. Унинг истиқболли усул эканлигини ҳаёт тасдиқлади. 1996 хўжалик йилида Андижон вилоятида ана шу янги технология асосида 9 минг 700 гектар майдонга барака уруғи қадалган эди. Бу усулнинг шарофати туфайли айрим илғор жамоалар ҳар гектар ердан 45-60 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Бу ерда шуни айтиш жоиз: агар ҳосилдорлик оддий усулга нисбатан плёнка остига чигит экиб, ғўза ўстиришда ва ҳосил тўплашда кетадиган жами харажатлар 5 центнерга ошишининг ўзидаёқ тўла қопланади.

Демак, чигитни плёнка остига экиш технологияси республикамиз бўйлаб кенг ейилаётгани бежиз эмас. Бу усулда пахта етиштиришнинг имкониятлари беқиёс. Нафсиламбрини айттанда, деҳқончиликда бу усул юксак самарадорликка эришишда жуда қўл келади. Биринчилан, плёнка остига чигит экиш усулида тупроқнинг 10 сантиметр чуқурлигидаги ҳарорат 8-10 даража бўланда, яъни март ойининг охирларида ҳам экишни бошлаш мумкин. Сабаби, плёнка қўёшнинг таъсирида тупроқ ҳароратини 3-4 даража оширади, чигит дарҳол амал олиб, илдиз отади, тўла-тўкис униб чиқади. Одатдаги экиш усулига кўра, тупроқ ҳарорати 11-12 даража бўлишини кутишга ҳожат қолмайди. Бунинг устига тупроқ майин ва юмшоқ сақланади. Кучли ёмғир, сел, дўл ва бошқа табиий офатлар оқибатида ерда қатқалоқ ҳосил бўлишига чек қўйилади. Эгатлар устини бегона ўт қопламайди. Энг асосийси, тупроқдаги микроорганизмларнинг фаолияти кучаяди. Туксизлантирилган чигит аниқ уялаб, махсус сеялка-мосламада экилганлиги туфайли уруғ анча миқдорда тежалади ва яганага деярли урин қолмайди. Яна асосий омилларни ҳисобга олсак, ғўзанинг вегетация ҳараёнлари тезлашади. Хусусан, ғўзанинг ривожланиши, гулга кириши, қўсак тугиши ва пишиб етилиши одатдаги усулга нисбатан тезлашади. Энг муҳими, ҳосилдорлик юқори бўлиб, хирмонга қут-барака киради. Деҳқончиликнинг кузги юмушларини бекаму кўст адо этишда катта имкониятлар юзага келади.

Янгиликнинг ўзига хос бошқа кўпгина хусусиятлари ҳам борки, масалан, бу усулда чигит 90 сантиметр кенгликда 90х30 схемасида қўшқатор қилиб экилади. Ғўза қўчатлари ораси 12 сантиметр булади. Шунда ҳар гектар ерда 160 минг тўп ғўза бўлишига эришилади. Одатдаги усулда эса бу кўрсаткич 70-90 минг тупдан ошмайди. Юқорида қайд этилган қўчатлар сони ҳам юқори ҳосил олишга ишоратлар.

Биз янги технология асосида чигит экишнинг афзалликлари хусусида ипидан-игнасигача тавсия бериш ниятидан йироқмиз. Бу борада вилоят миқёсида талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида шу масала буйича ўқув ташкил этилди. Унга қўплаб хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ҳамда мутасадди ташкилотлардан вакиллар жалб этилди. Шу йилнинг 20 февралидан эса Самарқанд вилоятидан ташқари қўшни Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларининг барча туманларидан пахтачилик бригадаси бошлиқлари, сеялкачилар, умуман, экишда қатнашадиган деҳқончилик вакиллари қисқа муддатли ўқишга чақирилди. Хуллас, тадбирлар қўлами кенг. Ҳамма тадбирларимиз асосий ва бош мақсадга қаратилган.

Ҳа, айтганча, плёнка остига чигит экишда қўлланиладиган «Андижон сеялкаси» бугунги кунда қўпчиликка маълум. Бу ҳақда матбуотда батафсил ёритилди. «Андижон усули»ни ўрганиш учун республикамизнинг барча вилоят ва туманларидан борган вакиллар ҳам янги сеялка хусусида анча-мунча хабардор эканлиги ҳам сир эмас. Шу ўринда қувонч ва фахр билан айтиш керакки, Самарқандда ҳам янги технологияга асосланган «Самарқанд — 1» деб номланган чигитни плёнка остига экиш мосламасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ана шу улуғ иш шаҳарлаги «Кинап» заводида амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида анчайин инқирозга юз тутган бу завод эндиликда яна бир маромда ишлашга ўта бошлади. Завод цехларида янги мосламани тайёрлашга қулай шарт-шароит яратилди. Хусусан, дастлаб бу жараён анчайин оғир кечди. Чунки заводнинг айрим цехлари сеялка яратишга мослаб ўзгартирилди. Бу, албатта, осон кечиши мумкин эмасди. Катта ташкилотчилик ва тадбиркорлик эвазига бу муҳим иш йўлга қўйилди. Катта миқдорда маблағ ажратилди. Елиб-югуришлар, тинмай қилинган саъй-ҳаракат, ниҳоят, узининг натижасини берди. Хусусан, вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Алишер Мардиевнинг тадбиркор раҳбарга хос ташкилотчилиги бекиёс бўлди. У ҳар томонлама бу хайрли ишни қўллаб-қувватлади. Хўжаликлар пул ўтказди. Самарқандлаги лифтсозлик заводи, «Ўзхлопкомаш»нинг вилоят бўлинмаси катта ёрдам кўрсатди. Натижада ўтган йилнинг декабрь ойида «Самарқанд-1» сеялкасининг илк намунаси дунё юзини кўрди. Аввалига бир кунда 2 та, кейин эса 5 та янги мослама ишлаб чиқаришга эришилди. Февраль ойининг 25 куни ичида кун сайин суръат ошиб борди, яъни бу рақам 10 тага етказилди. Ҳозир эса завод цехларида бир кунда 20 та сеялка ишлаб чиқарилмоқда. Экиш мавсумига қадар ишлаб чиқарилган сеялка 600 тага етади. Шундай қилиб, январь ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб завод бир маромда ишлашга ўтди. Бунда завод жамоасининг ҳам саъй-ҳаракати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳар қалай, корхонанинг маромли ишга ўтиши қувончли ҳолдир. Қўшимча иш жойлари яратилди. 270 нафар ишчи янги иш ўринларига эга бўлди.

Биз юқорида истиқболли усул — «Андижон усули»да чигит экишга қўплаб хўжаликлар таклифлар киритишаётгани ҳақида фикр билдирган эдик. Хўш, вилоятда 20 минг гектар майдонга янги технология асосида чигит қадаш учун аввало нималарга эътибор бериш керак? Бунинг учун биринчи навбатда «Самарқанд-1» сеялкасининг такомиллаштирилган намунасини яратишга асосий диққат-эътиборни қаратдик. Кичкинагина бир мисол: агарда «Андижон сеялкаси»да чигит қадаш учун ўша янги мослама барабанига атиги 0,4-0,5 гектарга етадиган туксизлантирилган уруғ жойлаштирилса, «Самарқанд-1» сеялкасига эса бир йўла 2-2,5 гектар майдонга етадиган чигит жойлаштириш мумкин. Шунингдек бу сеялкага уруғлик солинадиган махсус мослама ўрнатилган. Бошқа бир талай такомиллаштирилган томонлари ҳам мавжудки, бу деҳқонларимиз учун анча қулайлик яратади. Салмоғи эса «Андижон сеялкаси»дан 70 килограмм енгил.

Ҳозир вилоятнинг пахта етиштирадиган барча туманларида экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ерга янги усулда чигит қадаш учун аввало сифатли уруғлик тайёрлашга эътибор берилмоқда. Чигитни туксизлантириш, дорилаш, сақлаш ва жойларга етказиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Бу борада назорат кучайтирилмоқда. Шунингдек 20 минг гектар майдонга етадиган миқдорда, яъни 1100 тонна плёнка келтириб қўйилди. Бир гектар ерга 55 килограммгача плёнка кетишини назара тутсак, Хитойдан келтирилган плёнкамиз режада белгиланган майдонларга етиб ортади.

Шуни айтиш керакки, тупроқ унумдорлиги, унинг таркиби, хуллас, ҳаммаси ҳар жиҳатдан таҳлилий эътиборга олиниши керак. Ҳар бир хўжалик янги усулни қуллашда агротехника талабларини тўғри амалга оширса, ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил олиш имконига эга бўлади. Биз ана шу масалага мутахассислар эътиборини қаратяпмиз. Чигитни плёнка остига экишнинг «Андижон усули» вилоят миқёсида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Асосан катта йўл қўлаларидаги майдонлар ажратилиб, шу асосда аниқ ва изчил картограмма тайёрланди. Етарли миқдора ўғит жамғариб қўйилди.

Шубҳасиз, Самарқанд вилояти далаларида ҳам плёнка остига чигит экишнинг «Андижон усули» бу йил узига «оқ йўл!» олади...

В. В. ЕКИМОВ, «Кинап» заводи йигув цехи бошлиги:

— Тўғриси, кейинги йилларда заводимиз шуҳрати анча сўна бошлаган эди. Асосан кино аппаратлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз яна ўнгланиш сари юз тута бошлади. «Самарқанд-1» сеялкаси шу ерда дунё юзини кўраётганлиги жамоамизнинг ҳар бир аъзоси учун қувончлидир. Бу эса фақатгина заводимизда қушимча ишчи ўринларини яратибгина қолмай, балки манфаатдорлик нуқтаи назаридан ҳам ижобий муҳит яратди. Ишчи ва мутахассисларимиз янги мослама яратишда жонбозлик кўрсатишиб, ижодкорлик қайфиятида меҳнат қилишяпти. Маошлари яхши. Ойлик ўртача, яхши иш ҳақи 4-5 минг атрофида бўлаяпти.

Биргина «Самарқанд-1» сеялкасининг узига камида мингдан ортиқ турли қисмлар кетишини ҳисобга олсак, уларнинг ҳар бири қанча-қанча ишчилар қўлидан ўтиши ойдинлашади-қўяди. Яратувчилик ана шундай мураккаб жараён. Биз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун энг зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришни ҳам кенг йўлга қўйганмиз. Энг асосийси, эндиликда қишлоқ хўжалигида заводимиз тамғаси билан яратилаётган «Самарқанд-1» сеялкаси ўз мавқеига эга бўлади. Биз шундан фахрланамиз. «Андижон усули»нинг муъжизаси деҳқончилигимиз равнақига равнақ қўшса — бу қандай яхши!

Нурмамат ТУРСУНОВ, Иштихон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Деҳқончилик йилининг ушбу баҳорини яхши ният билан қаршилаяпмиз. Туманимиздаги 18 та пахтачилик хўжалигининг ҳаммасида баҳорий юмушлар қизғин олиб борилмоқда. Жорий йилда биргина пахтанинг узидан 10 минг 400 гектар ерда деҳқончилик қилишни аниқ режалаштириб олганмиз. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларимизнинг устуворлигини таъминлаш йўлида ўтказаётган хайрли тадбирларимиз, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Бултур ҳосилдорлик туманимиз буйича 28 центнерга етган бўлса, бу йил янада баракалироқ хирмон яратишни ният қилганмиз. Абдулла Бердиқулов номли, Азиз Йўлдошев номли, Мурод Жўраев номли, Ҳамид Олимжон номли, Охунбобоев номли, Шароф Рашидов номли, Жўра Маҳмудов номли ва Шариф Одилов номли қўплаб хўжаликларимизда деҳқончиликнинг эзгу анъаналари мавжуд. Бу анъана шундан иборатки, бу хўжаликларда юксалишнинг ойдин йўлига, ҳамма соҳада заҳмат билан залворли довонлар ошишга барча бирдек камарбаста. Мурод Жўраев номли деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмасидан донгдор бригада бошлиги Неъмат Назаров деҳқончиликда узига хос мактаб яратган. Бригада пахтакорлари ўтган йили ҳосилдорликни 52 центнерга етказишиб, юқори натижаларни қўлга киритишди. Жамоа саркори йил охирида «ТИКО» машинаси билан мукофотланди. Абдулла Бердиқулов номли, Азиз Йўлдошев номли ва бошқа қатор хўжаликларимизда ҳам юқори ҳосилли бригада саркорлари анчагина.

Бизнингча, шу йилнинг 27 январь куни республика Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасидаги бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон деҳқончилигида тубдан бурилиш ясаш учун янги саҳифа очди, десак асло янглишмаймиз. Унда 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Бу йиғилиш жойлардаги лоқайдликларга катта зарба берди. Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Собир Ғаниевич Муродов бошчилигида туманимизнинг мутасадди раҳбарлари барча хўжаликларда бўлишиб, йиғилишда илгари сурилган долзарб муаммоларни атрофлича муҳокама қилдилар. Айниқса туман меҳнат аҳли қайфиятини кўтариш, уларни янги-янги марралар сари даъват этиш йўлида кўпгина амалий тадбирлар ўтказилди. Насиб этса, қайфият яхши жойда натижалар ҳам шунга яраша бўлади.

Галлакорларимиз 15 минг 770 гектар ерда деқончилик қилишаяпти. Шунинг 6.918 гектарини сўгориладиган майдонлар ташкил этади. Қиш яхши келди. Баҳор ҳам деҳқонларимиз қайфиятини кўтариши шубҳасиз. Туманимизда пахтачилик асосий тармоқ ҳисоблангани учун ҳам бу соҳа доимо эътиборда. Пахта экиладиган асосий майдонларга яхоб суви берилди. Март ойининг ичида яна 500 гектар майдонга яхоб суви беришни режалаштирганмиз. Барча сўгориш шахобчалари юз фоиз тартибга келтирилди. Маҳаллий ва минерал ўғит жамғаришга қизғин киришилган. Ҳар куни туман далаларига 500 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бу миқдор ҳозир 25 минг тоннадан ошди. Жами 100 минг тонна маҳаллий ўғит жамғарилади. Минерал ўғитнинг 70 фоиздан кўпроғини жамлаб қўйдик. 150 та ҳайдов трактори, 220 та экиш сеялкаси мавсумга тахт. Улар сифатли таъмирлашдан чиқарилди. 650 тонна уруғлик чигит ҳозирланди.

Бу йил 2150 гектар ерга «Андижон усули»да плёнка остига чигит экиб, бу истиқболли усулни тажрибада қўлламоқчимиз. Йил бошидаёқ бунга қизғин тайёргарлик кўришни келишиб олган эдик. Амалда ҳам худди шундай бўлаяпти. Андижонда чиқарилган янги экиш мосламаси бизга ёқиб қолди. «Самарқанд-1» сеялкаси эса такомиллаштирилган ҳолда яратилгани учун ҳам нур устига аъло нур. Мавсумда шундай сеялкадан 40 таси чигитни плёнка остига қадашда қатнашади.

Ишонамизки, бу йил натижалар янада қувончли бўлиб, деҳқончилигимиз нуфузига нуфуз қўшади.

Баҳриддин САНАҚУЛОВ, Оқдарё туманидаги «Зарафшон» деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси раиси:

— Деҳқончилик соҳасида 1957 йилдан бери меҳнат қиламан. Шунга ҳам, мана, қирқ бир йилдан ошди. Озим-кўпми бу йиллар давомида узига хос тажриба тўпладим, шогирдларга устоз бўлдим. Иншоолло, раҳбарликнинг турли погоналарида фаолият кўрсатишга тўғри келди. Заҳматнинг раҳматини ҳам олиб ишлаб келаётганимдан хурсандман.

Шу хўжаликнинг узида илгари ҳам узлуксиз 8 йилдан кўпроқ жамоага раҳбарлик қилган эдим. Бу орада Амир Темур номли жамоа хўжалигида, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида раҳбарлик лавозимларида ишладим. Халқ билан доимо бирга бўлишдан ортиқроқ бахт йўқ!

1995 йилнинг мартидан яна шу қадрдон жамоага ишга келдим. Жамоамиздаги ҳар бир фаол инсон — мен учун ардоқли. Улар ҳам бир раҳбар сифатида ҳурматимни жойига қўйишади. Бундан чексиз фахрланиб кетаман, элнинг корига ярашдек бахтга муяссар бўлаётганлигимдан оламолам гурурга туламан. Эзгу ишларга узимни чоғлайман. Натижалар эса ғайратимга ғайрат қўшади.

Бўлтур саршуносларимиз 612 гектар ерда пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштиришди. Режа кузда ошиғи билан адо этилди. Аниқроғи, уни 105 фоиз қилиб бажардик.

Бу йил ҳам ниятларимиз чакки эмас. 550 гектар ерда галла ўстираяпмиз. Галла майдонлари деҳқон оилаларга шартнома асосида бўлиб берилган. Обид Жаъфаров, Ботир Отақулов ва бошқа ўнлаб галлачилик бригадларида ўтган йили ҳосилдорлик 50-52 центнерга етди. Бу йилги ниятлари янада улуғ.

Туманимизнинг 2 та хўжалигида чигитни плёнка остига экиш ўтган хўжалик йилида муваффақиятли синовдан ўтказилган эди. Туман ҳокими Назар Аҳмедович Аҳмедов «Андижон усули»ни биринчи қўллаб-қувватлаган раҳбарлардан, десам — сира муболаға бўлмас. Туманимизда янгича усулда чигит экиш қулоч еймоқда. Биз ҳам хўжалигимиз буйича бу йил 720 гектар пахта майдонимизнинг 400 гектарига шу усулда чигит қадамоқчимиз. Унинг истиқболига, афзалликларига аллақачон тўла ишонч ҳосил қилганмиз.

Ушбу материалларни «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири Абдулла ТУРДИЕВ тайёрлади.

СУРАТЛАРДА: 1. «Кинап» заводи цех бошлиги Юрий Ким ва уста Равиль Мустафиллар янги сеялка яратиш жараёнида ишчиларга бошқош. 2. Тайёр сеялкалар хўжаликларга жўнатилмоқда. 3. Самарқанд вилоят ҳокимлиги қошидаги янги технологияларни жорий қилиш Маркази директори Абдусалом Усмонов (чапдан биринчи) хўжаликлардан келган вакилларга мосламанинг афзалликлари ҳақида гапириб бераяпти.

Т. НУРМУҲАММАД олган суратлар.

Шу сонга хабарлар

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Республика ҳиссадорлик тижорат банкининг Нукус шаҳри бўлимй мингдан кўпроқ корхона ва ташкилотта, 22 минтга яқин жисмоний шахсга хизмат кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 33 корхона ва ташкилотта салкам 300 миллион сўм кредит берилди.

Мамлакатимиздаги йирик корхона — Қўнғирот сода заводи маблағ билан узлуксиз таъминланмоқда. Бўлим жамоасининг жойларда нақд пулнинг мақсадга мувофиқ сарфлашини назорат қилинаётганлиги яхши самара бераётир. Бунинг натижасида пул эмиссияси пасаймоқда.

КИЙИКСОЙ ЎЗГАРИШЛАРИ

Устюрт саҳросида бунёд этилаётган йирик корхона — Қўнғирот сода заводининг бош корпуси қурилиши бошланди. Ҳозир бу ердаги қирқдан кўпроқ иншоотда ўттизга яқин ташкилотнинг қурувчилари баракали меҳнат қилмоқда. «Оролсувқурилиш» ҳудудий бирлашмасига қарашли «Орол сода заводи қурилиши» бошқармаси бўлинмалари катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқда. Улар йилнинг ўтган даврида Германиянинг «Винклер» фирмаси технологияси асосида ишлайдиган новвойхона, завод бош дирекцияси маъмурий биносини фойдаланишга топширди. Бошқарма жамоаси шу кунларда 48 квартирали турар жой, шифохона ва дорихона, болалар боғчаси, маданий-маиший хизмат корхоналарини бунёд этмоқда.

Корхона қад кўтараётган Кийиксой массивига бир ярим километрли йўл, темир йўл шохобчаси тортилиб, 24 километр олисдаги трассадан табиий газ келтирилди. Бу эса Устюрт саҳросининг мураккаб об-ҳаво шароитида меҳнат қилаётганлар оғирини енгил қилди.

Ҳозир заводнинг биринчи навбатини муддатида битказиш борасидаги барча ишлар белгиланган режага мувофиқ бажарилмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида барпо этилган поливинил хлорид қувурлари ишлаб чиқариш заводи нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Германиянинг «ЛРС» фирмаси мутахассислари кўмагида қурилган мазкур корхона энг замонавий технология асосида ишламоқда. Бир маромда ҳаракатга келаётган дастгоҳ ва ускуналар компьютер ёрдамида бошқарилади. Бинобарин, завод чиқитсиз технологияга асосланиб ишлайди ва экология талабларига тўла жавоб беради.

Корхона афзалликлари ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, диаметри 90 миллиметр бўлган қувурдан 1 минутда 3 метр тайёрланади. Бошқача айттанда, корхона бир кеча-кундузда тўрт хил ҳажмдаги 4 минг метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу туфайли иш уч сменада ташкил этилган. Ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг аксарияти Германияда тажриба орттириб келган. Шу боис янги корхона ўз қувватини ва самарадорлигини тобора оширмоқда.

ПАХТАКОР ХИЗМАТИДА

Мамлакатимиз кенг жамоатчилиги қишлоқ хўжалик фанини, айниқса пахтачиликни, ғўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган таниқли селекционер олим, Беруний номидаги Узбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати, Узбекистонда хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Шукур ака Ибрагимовнинг етмиш йиллигини нишонламоқда. У 1948 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини муваффақиятли битириб, далачилик агрономи мутахассислигини олди. 1950-1953 йиллари УзФАнинг қишлоқ хўжалик институтида аспирантурада ўқиб, «Ғўза илдизининг кучат сонига ва сув режимига қараб ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб бориб, 1954 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди.

1957-1964 йиллари Усимликлар генетикаси ва физиологияси институтида ишлаган даврида бир қанча амалий, назарий муаммоларни ечишда, яъни уруғчиликни яхшилаш, ғўзанинг биологик хусусиятлари, гамма нурларининг чигитга, ғўзанинг ўсишига, ривожланишига таъсири каби қўплаб муҳим илмий тадқиқотлар устида иш олиб борди ҳамда тавсияномалар яратди. У нафақат илмий ишга, балки институтнинг ташкилий ишларига ҳам, яъни лабораториялар учун зарур бўлган қимматбаҳо асбоб-ускуналарни олиб келишга ва ўрнатишга ҳам бошчилик қилди.

Шукур Ибрагимовнинг катта ташкилотчилиги эътиборга олиниб, 1965 йили ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига директор этиб тайинланди. Унинг ташаббуси билан янги ғўза навлари ҳар хил экологик шароитларда кенг синовдан ўтказилди, Наманган вилоятидаги «Қизил Ровот» ва Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон» хўжаликлари институтнинг янги навларни текшириш ва чигитини кўпайтирадиган экспериментал уруғчилик элита хўжаликларига айлантирилди.

Ғўза селекцияси ва уруғчилигини яхши биладиган ходимлар тайёрлаш ишларига ҳам катта эътибор берилди. Институтда 3-4 йил мобайнида маҳаллий ёшлардан 48 нафари номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1974 йил Шукур Ибрагимович «Ғўза селекциясида ўсимликнинг ҳар хил ўсиш даврида радиация нурининг таъсирини ўрганиш ва услубларни ишлаб чиқиш» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди. 1976-1978 йиллари у Узбекистон қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари, 1980-1984 йиллари «Союзхлопок» ИИЧБнинг бош директори муовини, 1984-1990 йиллари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Урта Осиё бўлими раисининг муовини, 1990-1996 йиллари «Пахта» ИИЧБнинг бош директори бўлиб ишлади. Шу бирлашманинг бош директори лавозимида ишлаб турган пайтида унинг ташаббуси билан барча вилоятлардаги тажриба хўжаликлари институт филиалларига айлантирилди.

Узининг бутун фаолияти даврида илмий ишлари кўламининг кенгайтирилишига, фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинишига, қатор илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ш. Ибрагимов биринчилар қаторида гамма нурлари билан ғўзани вегетация даврида нурлантириб, бир қанча яхши хусусиятларга эга бўлган истиқболли тизмалар, навлар олиш услубини яратди. «Мутант-1», «Мутант-2», «Мутант-3», «Мутант-4», «Мутант-5» шулар жумласидан. Бу навлар селекция учун бошланғич манба сифатида фойдаланилмоқда. Шу билан бирга Ш. Ибрагимов С-6029, С-6030, С-6037, С-6040, С-6032, Термез-14, Термез-16, Шараф-30, Дружба-60, Қизил Равот, С-2602, Уйчи-2, Андижон-60 сингари районлашган ва истиқболли ғўза навларининг муаллифларидан бири. Қимматбаҳо ингичка толали ғўза навларининг республикамизда кенг ейилишида Ш. Ибрагимовнинг хизматлари катта. 1987 йили янги тезпишар, серҳосил, тола сифати яхши бўлган ингичка толали «Термез-14» ғўза навини яратишда қатнашганлиги ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий этганлиги инобатга олиниб, маслақдошлари қаторида у Беруний номидаги Узбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ш. И. Ибрагимов узининг кўп йиллик илмий фаолияти давомида ғўза биологиясига оид бўлган қимматли таклифларни: жумладан, илдиз чириш касалига қарши ТМТД препаратини, чигитларни экиш олдидан дорилаш услуби, чигитнинг биологик саралаш усулини амалиётга жорий этди. Шунингдек, чигитни экиш олдидан нурлантириш услубини ишлаб чиқди. Бунинг натижасида чигитнинг сифати бирмунча ошади ва унинг сарфи 2-3 баробар камаяди.

Шу йилларнинг узида олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари вакилларининг раҳбари бўлиб Миср Араб Республикасида, Ҳиндистонда, Бразилияда, Хитойда бўлиб, уларда пахтачиликни, айниқса ғўза генетикаси селекцияси ва уруғчилиги буйича олиб борилаётган илмий ишлар билан танишиб, тегишли маслаҳатлар берди.

Изланувчан олим узининг илмий ва амалий фаолияти даврида пахтачиликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ихтироларни кашф этди. «Ғузанинг янги шаклларини яратиш», «Ғузанинг вилт касаллигига чидамлилигини аниқлаш усули», «Фунгицид», «Ғўза ривожини жадаллаштириш усули» шулар жумласидандир. У жами 220 дан ортиқ илмий мақола, учта монографиянинг муаллифидир.

Ш. И. Ибрагимов 20 нафардан ортиқ аспирантларга илмий раҳбарлик қилди, уларнинг барчаси ҳозирги кунда фан номзодларидир. Кейинги пайтларда ўз илмий фаолиятини пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий тармоқларидан бири бўлмиш гетерозис масаласига қаратди. У чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда ишчан ва юқори ташкилотчилик қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам Ш. И. Ибрагимовни барча хўжаликлар меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг жонкуяри сифатида яхши танийдилар. Унга ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

А. АБДУЛЛАЕВ,
академик.
Р. НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

КАТТА ТЎЙ ТАРАДДУДИ

Бухорои шариф — Марказий Осиёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири. У бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этиб келади. Шу йил ёзида ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Парижда, кузда эса Бухорода шаҳарнинг 2500 йиллиги тантаналари бўлиб ўтади. Биз Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов билан қутлуғ тўй тараддуди хусусида суҳбатлашдик.

Бухоронинг 2500 йиллигига

— Бугунги кунда Бухорога йўли тушган меҳмон кенг кўламдаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади...

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари қизғин паллага кирди. Бу ҳайрли ишларга нафақат Бухоро вилояти, балки бутун республикамиз корхона ва ташкилотлари жалб этилган. Юбилей муносабати билан бутун бир тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда маданий-маърифий ишлар, таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш масалалари тўла қамраб олинган. Шаҳардаги ҳар бир иншоот бўйича алоҳида штаб тузилган. Ҳар куни ишнинг бориши муҳокама қилиниб, вужудга келган муаммолар зудлик билан ҳал этилмоқда.

Бухорода янги иншоотларни бунёд этиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда умумий лойиҳа қиймати 680 миллион сўм бўлган 12 объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Файзулла Ҳужаев майдони, Абдурауф Фитрат ҳиёбони ва уймузейи қуриб битказилди, янги «Бухоро» меҳмонхонаси ишга тушди. Амир Темур ҳиёбони, соғломлаштириш маркази, янги автошоҳбекат ва бошқа объектларни қуриш ишлари давом этмоқда.

— Шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Бухоро халқаро сайёҳликни ривожлантириш учун қулай масканлардан биридир. Шу боис, шаҳримиз тўйи арафасида саккизта сайёҳлик йўналишида ободонлаштириш ишларини бажариш мўлжалланган. Юбилейгача 16 та тарихий обида таъмирланади. Бу объектларда 160 миллион сўмлик, жумладан, Масжиди калонда 106 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилади. Осори атиқаларни таъмирлашда Самарқанд, Хева, Қарши, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарлари, Навоий, Жиззах вилоятларидан келган усталар меҳнат қилмоқда. Бу ҳайрли ишлардан вилоятимиз туманлари ҳам четда қолаётгани йўқ. Абдуллохон, Модарихон, Нодир Девонбеги, Қукалдош мадрасалари, Намозгоҳ, Чашмаи Айюб ва Чор минор ёдгорликларини таъмирлаш, атрофни ободонлаштиришда Олот, Жондор, Когон, Бухоро ва Қорақул туманлари аҳли ҳашар йўли билан ёрдам бермоқда.

Ерости сувлари сатҳининг кўтарилиши тарихий обидалар учун хавф тўғдираётган эди. Сизот сувларини пасайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса обидаларни яхши асраб-авайлаш имконини беради.

— Маданий-маърифий соҳаларда қандай ишлар амалга оширилмоқда.

— Шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, барча тарбия муассасаларида, корхона ва ташкилотларда Бухоро тарихи ва маданияти анъаналарини, миллий қадриятларимизни аҳолига, айниқса ёшларимизга янада чуқурроқ сингдириш мақсадида турли учрашув, кеча ва танловлар ўтказилмоқда. Хусусан, юбилей муносабати билан вилоятимизда шоир ва ёзувчилар, журналистлар, мусаввир ва санъаткорлар ўртасида Бухоро ҳақидаги энг яхши асар учун танлов эълон қилинди. Энг яхши юбилей тантаналари сценарийси ҳам конкурс йўли билан аниқланади.

Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўзида акс эттирувчи китоблар, буклетлар, реклама материаллари тайёрланмоқда. Тарихчи олим В. Салковнинг «Бухоро: юз савол ва жавоб» китоби нашр этилмоқда. Шунингдек, «Бухоро тарихи: афсона ва фактлар», «Бухоро дипломатияси», «Бухорининг заргарлик маҳсулотлари» каби китоблар нашрга топширилди. Д. Ҳалимованинг «Бухоро кандакорлиги» китоби босмадан чиқди. Бухоро ҳақида ҳужжатли фильм тайёрланмоқда. «Бухоро ва жаҳон цивилизацияси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Шу йил ёзида Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўтадиган «Бухоро маданияти кунлари»га тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Шу муносабат билан шаҳар ҳунармандларининг биринчи давра кўрик-танловини ўтказдик. Юбилей эмблемасини тайёрлаш бўйича ҳам танлов ўтказилиб, яхши баҳоланган эскизлар республика юбилей комиссиясига тақдим этилди.

Бугунги кунда бухороликлар катта тўйга муносиб тўёна билан бориш ниятида ишламоқда. Зеро, тантаналарга жаҳоннинг 56 мамлакатидан меҳмонлар ташриф буюриши кутилаётир. Ўйлаймизки, байрам иштирокчилари Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан юртимиз, шаҳарларимиз чирой очиб бораётганини қалбдан ҳис этадилар.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.



Тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди. Нетаки, тарих йўли алоҳат ва ҳақиқат йўлидир. Музейлар эса халқимиз тарихининг кўзгуси сифатида Ватан ўтмишидан, бой маданиятидан, қадимий урф-одатларидан сўзлайди. 1920 йилда тапқил этилган Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари ҳам айни кунда маънавий баркамол инсонларни тарбиялашда, улар онгида ота-боболаримиздан қолган тафаккур гулшанини шакллантиришда савобли ишларни амалга оширмоқдалар. 3 қаватли кўркам бинода жойлашган музейда 71000 экспонат мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири юксак дид ва маҳорат билан, томошабинларга ошиқ кўринадиган жойларга ўрнатилган. Жонкуяр илмий ходимларнинг саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳар куни қизиқарли учрашувлар, ҳаяжонли саёҳатлар уюштирилди. Бундан ташқари 250-300 нафардан ортиқ мактаб ўқувчилари музейга ташриф буюришиб, тарих, адабиёт фанларидан олган билимларини амалда мустаҳкамлайдилар. Ўз ишининг моҳир ижрочилари, билимдон илмий ходимлар эса ёшларга Ватанимизнинг бутуни ва эртаси ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказадилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Музейнинг илмий ходими Ҳамидахон Розиқова саёҳатчиларга Ўзбекистон табиати ҳақида сўзлаб бермоқда. 2.3. Музей залларидан лавҳалар.

Т. МАҲКАМОВ,
Д. РАЖАБҚУЛОВ олган суратлар.

ВАҚТИНГ — НАҚТИНГ

Инсон умри ниҳоятда қисқа. Донишмандлар уни киприк қоққанча ўтиб кетади дейишган. Шунинг учун вақтдан оқилона фойдалана билиш, ўзи учун ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланиш ҳар бир инсонга фарздир.

Меҳнатга тоби йўқ одамлардан қонунбузарлар, ожизу нотавонлар чиқади. Ҳеч ким камбағал бўлиб туғилмайди, ишёқмас бўлиб тарбияланиши мумкин. Кам даромадда яшашга ҳар кимнинг ўзи сабабчи. Худо ҳам «сендан ҳаракат— мендан баракат» деган. Донишманд бобо калонимиз Баҳоуддин Нақшбанд «Қўлинг ишда, дилинг худода бўлсин» деб бежиз айтмаганлар.

Шундай шахслар борки, меҳнатга қобилиятлари бўла туриб вақтларини бекорга ўтказишади.

Алломаларимиздан бири кўчада вақтини бекорга ўтказиб ўтирган бир одамнинг саломига алик олмай ўтиб кетибди. Қайтишида у одамга ўзи салом берибди, буни кузатиб турган ҳамроҳлари ундан сўрабди:

— Тақсир ўтишда бу одамнинг саломига алик олмай, қайтишда салом берганингизнинг сабаби нимада?

Донишманд жавоб берибди:

— Ўтишимда бу одам ҳеч нарсани ўйламай вақтини бекор ўтказиб ўтирганди. Қайтишда қарасам ерни чизиб, ниманидир режасини тузатаётганини пайқаб салом бердим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ҳар томонлама ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга деб ёзиб қўйилган.

Меҳнат қонунига кўра, ходим иш тартиби ёки меҳнат шартномасига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим.

Хорижий давлатларда ишчи, бирон ходим бир дақиқа вақтини бекорга ўтказмайди. Ҳар ишчининг вақти тўлиқ белгилаб қўйилган.

Нуронийларимизнинг таъкидлашларича, олтиариқлик бир бой одам қадимда баҳорги экиш даврида вақтни ўтиб кетмаслиги учун аравани губчагига осилиб ухлар экан. Гўё қаттиқ ухлаб қолиб, чорикорларни, ўғилларини эрта уйғотиб қўйишни эсдан чиқармаслиги зарур экан. Негаки, деҳқончиликдан эрта ҳосил олиши ҳисобига бой бойиганда.

Олтиариқ туманида ҳам ўзига боғлиқ-бўлмаган сабабларга кўра, қимматли вақтларини бекорга ўтказаётганлар оз эмас. Масалан, туман поликлиникаси лабораториясида қон топшириш учун чекка қишлоқлардан келган кўпчилик аёллар эрталаб соат 5 дан навбат олиб туришга мажбурдирлар. Бу ерда навбат кутиш учун шароит йўқ. Лаборантларнинг иш вақти эрталаб соат 8 дан бошланади. Қон топшириш учун келганларни 3-4 соат вақти бекорга ўтади. Боз устига қон топширгунгача овқатланмаслик керак.

«Вақтинг кетди-нақдинг кетди» деганлар. Эл хизматига бел боғлаган мутахассислар, катта-кичик идора раҳбарлари ана шу халқ ҳикматига амал қилишса, кўп савоб олур эдилар.

Раҳмонали МУХТОРОВ

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Наврўз янгиланиш, гўзаллик, деҳқончилик, бунёдкорлар байрамидир. Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз Наврўзга алоҳида тайёргарлик билан келганлар: ариқ-зовурлар қазилиб, кўча-ҳовлилар тозаланиб, хуллас, ҳаммаёқ чиннидек саранжом-саришта қилинган.

Қашқадарё вилоятининг соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли хўжалик ҳисобидаги таъминот ва таъмирлаш корхонаси жамоаси ҳам Наврўзи оламни ўзгача шукуҳ ва қувонч билан нишонлаш учун кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этишмоқда. Ишчи ва хизматчилар мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

— Наврўз саҳоват байрами. Унга 20 минг сўмлик маблағ ажратдик, шундан 10 минг сўми ишчиларга мукофот тариқасида, бир қисми оз таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида берилади, — дейди корхона раҳбари Суюн Орипов.

Жамоанинг асосий мақсади — соғлиқни сақлаш тизимига қарашли 9 та таъмирлаш корхонасини қурилиш материаллари билан таъминлаш. Бундан ташқари аҳил жамоа ўз кучи билан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Тикувчилик цехида тиббиёт муассасалари учун керакли кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаб, шифокорлар халати, кўрпачалар тайёрланяпти.

Айни кунларда корхона жамоаси вилоят болалар шифохонасида таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Шавкат СУЛТОНОВ.

Турфа олам

ЁНҒОҚ ҚАЛПОҚЧА

Чет эллик олимлар одатдан ташқари тажриба ўтказишди. Мутахассислар мотоцикл ҳайдовчилари, шахтерлар, қурувчилар учун мўлжалланган турли махсус қалпоқларни синаб кўришди. Кўплаб мамлакатлардан олиб келинган бу қалпоқлар қўғирчоқларга кийдирилиб, тош, ғишт, бетон парчалари, пўлат таёқчалар ва ҳатто болға билан урилди. Барча қалпоқлардан ҳам синовга кокос ёнғоғи пўстлоғи кўпроқ дош берди.

ҲИДСИЗ САРИМСОҚ

Саримсоқнинг шифобахш хусусиятларини тадқиқ этган олимлар, ундаги малҳам бўлувчи моддалар ҳеч қандай ҳид тарқатмаслигини ёки хушбўй эканлигини аниқлашди. Шу боис ўткир ҳиддан ҳали саримсоқ етиштириш юзасидан тажрибалар ўтказилмоқда. Ажаб эмаски, яқин йиллар ичида микробларга қирон келтирувчи бу табиий дориворхушхўр озиқ моддалардан бирига айланса...

ИРОДАНГИЗНИ ИДОРА ЭТА ОЛАСИЗМИ?

Соғлом турмуш тарзи

Яқинда бир танишим қизиқ воқеани сўзлаб берди. Воқеа Рамазон кунлари бўлган. Одатдагидек ҳужжат олиш ниятида темир қути-сейфни очганда, унинг қуйи қисмида турган ароққа кўзи тушган ҳамхонаси бирдан безовталаниб қолибди. У ютиниб олиб, гап қотди.

— Негадир этим жунжиб кетяпти...

Мен бу воқеани яна эсладим. Февраль ойининг сўнгги уч кунида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси лойиҳаси бўйича «Соғлом турмуш тарзи ташвиқоти» деб аталган ўқув семинари бўлиб ўтди. Семинарда матбуот ва радио-телевидение ходимлари олдида турган муҳим вазифа соғлом турмуш тарзини мумкин қадар кўпроқ ва таъсирчан воситалар билан таргиб этиш, уларнинг ўсиб келаётган авлодни баркамоллик руҳида тарбиялашга қўшадиган ҳиссаси юзасидан қизиқарли маърузалар, савол-жавоблар бўлди. Ўткир мушоҳадалар ва дунёнинг турли бурчакларида олиб борилаётган тажрибалар ўртага ташланди.

— Биз нима учун бу ерга йиғилдик, — деди Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси маслаҳатчиси доктор Франклин Апфель. — Шунинг учунки, ўрнида ишлатилса, қалам жарроҳ тигидан ва ҳатто қуролдан қудратлироқдир. Бугун бутун дунёни бир хавф тобора қаттиқроқ ўз исканжасига олаётир. Барча минтақаларда, хусусан Марказий Осиёда ҳам бу хавф бор. У айни вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида табиий равишда одамлар онгида юз берадиган ўзгариш билан боғлиқ, албатта. Қолаверса, хориждан келаётган маҳсулотларнинг барчасини ҳам сифатли, деб бўлмайди. Афсуски, улар реклама ва турли йўллар орқали аҳолига ўз таъсирини утказмоқда. Айниқса, чекиш ва ичишнинг реклама қилиниши хатарлидир.

Би-Би-Си Бутунжаҳон хизмати вакили Жулия Друм хоним соғлом турмуш тарзига осонликча эришилмасликни таъкидлаган ҳолда одамларнинг иродаси, айниқса оғир вазиятларда намоён бўлишини эслатиб ўтди. Шарқ фалсафаси ҳамиша сабр-тоқатли ва иродали бўлишга ўргатиб келган, деди у. Зеро, бугунги лойиҳанинг айнан Узбекистонда татбиқ этилаётгани бежиз эмас. Бу мамлакат кишилари ўзларини-ўзлари идора қила олишларига ишонч ҳамдир.

Дарҳақиқат, соғлом турмуш ҳақида доимо ўйлаш даркор. Чунки соғлом одамлар яшайдиган мамлакатдагина тараққиётга умид боғлаш, эртанги кунга ишонч кўзи билан боқиш мумкин.

Бунинг учун нима қилиш лозим? Тўғри овқатланиш қуникмасига эга бўлишдан ташқари, одатга айланиб қолган ва нафақат катталар, балки ёшлар ўртасида ҳам кенг тарқалиб бораётган чекиш ва ичишга қатъий қураш бошлаш, ҳар қанча машаққатли бўлмасин, бу курашда ғолиб чиқиш даркор.

Хўш, агар сиз чекишни ташлаган бўлсангиз-у, вақти-вақти билан хумор қилиб, лоақал битта сигарет тутатиш истаги туғилса-чи? Узингизни қўлга олинг, чунки иродасизлик қилиб чекилган битта сигарет иккинчи, учинчи ва узлуксиз сигарет чекишларнинг бошланиши демакдир. Шундай пайтларда нега чекишни ташлаганингизни мушоҳада қилиб кўринг. Бу ёмон одатдан қутиламан десангиз, уйда сақланиб қолган сигаретларни хумга солинг-да, устидан сув қуйинг. Бир айланиб унинг қопқоғини очинг. О, қандай бадбўй ҳид! Уйлаймизки, сиз бу бўйни бошқа ҳидламайсиз ва беихтиёр саломатлик таъмини ич-ичдан ҳис этасиз.

Ҳа, барча муваффақиятларнинг бошланиши ўз қўлингизда, иродангизни идора қила олишингизда.

Шу маънода мазкур семинар янги турмуш тарзи сари ташланган узига хос кўприк бўлди, десак янглишмаймиз.

З. РИХСИЕВ.

ТЕННИС ЎЙНАЁТГАН АЁЛЛАР

Термиз шаҳридаги муҳташам замонавий теннис корти ҳамиша гавжум. Бу ерда вилоятдаги тармоқ, корхона, ташкилот, муассасалар ходимлар мусобақаларини ўтказиш одатга айланган. Куни кеча маданият муассасалари ходимлари майдонга тушди. Қизғин ўтган беллашувда Денов шаҳар маданият уйи ходими Г. Мавлонова, Шеробод тумани марказий кутубхонаси мудираси Т. Муродова, Термиз мусиқа мактаби ўқитувчиси Н. Гордеева мусобақа ғолиби бўлди.

Уй-рўзғор ташвишлари, иш билан банд бўлган аёлларнинг чиройли спорт кийимида теннис мусобақасида қатнашаётгани уларга бардамлик ва қувноқлик бахш этмоқда.

Табиатни асл ҳолатида кўрмоқнинг ҳам ўзига хос гашти бор. Айниқса бугунги баҳор кунларида осмонўпар тоғлар бағрида оппоқ қорни кечиб, ям-яшил арчазор қўйнидан бойчечаклар излаш қанчалик завқли. Ана шу завқни тотмоқчи бўлсангиз «Ҳисор» қўриқхонасига боринг. 87.538 гектарлик кенг тоғу адирликлардан иборат бу қўриқхона Қизилсув, Танқасдарё, Мираки бўлимларига бўлинган. Оппоқ қорга бурканган Ҳисор тоғ тизмаларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг камёб турлари кўз қорачиғидек асралмоқда. Айниқса бу ишда катта илмий ходим, иқтидорли табиатшунос Бахтиёр Аромовнинг хизмати мақтовга сазовордир. Сичқон, зийрак табиат қўриқчиси қишнинг қирчиллама совуқларида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам ҳамиша постда сергак турали.

СУРАТДА: 1. Қўриқхона катта илмий ходими Б. Аромов, (ўнгда). 2. Бовурчи тоғ манзараси.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН
кафолларга
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА
БУЮРТМАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
/3712/ 50-83-54, 50-92-94,
ФАКС 50-92-94. А/О ТашКСМ

ХЎЖАЛИК, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан муомалага чиқарилган қуйидаги векселлар йўқолганлиги муносабати билан муомаладан тўхтатилади:

— серияси ПС-002 тартиб рақами — А 0011346 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3201171 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3213764 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3210444 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3216853 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3203830 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3215254 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3215455 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3211222 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3215605 қиймати — 100000 сўмлик;

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттўзатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0144, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.